

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

8-сон
(976)
2021 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

73. «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 февралдаги ЎРҚ–676-сон Қонуни
74. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги ЎРҚ–677-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

75. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги ПФ–6179-сон Фармони
76. «Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит-

- лар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февралдаги ПҚ-4998-сон қарори
77. «Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 февралдаги ПҚ-5000-сон қарори
78. «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон қарори
79. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон қарори
80. «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги ПҚ-5009-сон қарори

Бешинчи бўлим

81. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 2021-06-сон, 2021 йил 13 январдаги 21/15-сон «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1702-1*)
82. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 2-сон, 2021 йил 18 январдаги 2021-04-сон, 2021 йил 11 январдаги 05/11-05/01-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-6*)
83. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2021 йил 3 февралдаги 3, 27-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавф-

сизлиги бўйича текшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2617-3*)

84. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3287*)
85. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 27 февралдаги 3-мх-сон «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****73 Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 26 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 6 январда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси** тасдиқлансин.

2-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида»**ги 353–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини амалга киритиш тўғрисида»**ги 354–II-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 64-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 621–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 5, 90-модда) **XXVII бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–39-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 369-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавоб-**

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 февралда эълон қилинган.

** Кодекс «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **31-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–278-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) **13-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **53-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 январда қабул қилинган **«Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–456-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 1-модда) **27-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–533-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 4, 199-модда) **5-моддаси**.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Кодекснинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини Кодексга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари Кодексга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Давлат харидлари субъектларининг маблағлари ҳисобига молиялашти-

риладиган объектларга нисбатан Кодекснинг 32-моддаси 2022 йил 1 январдан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 февраль,
ЎРҚ-676-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

74 Аудиторлик фаолияти тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 10 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 5 февралда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади аудиторлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аудитор — аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 26 февралда эълон қилинган.

Аудиторлар реестри — аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган аудиторларнинг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи расмий веб-сайтига жойлаштирилган рўйхати, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан шакллантириладиган реестр мустасно;

аудиторлик ташкилоти — аудиторлик текширувларини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти;

Аудиторлик ташкилотларининг реестри — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи расмий веб-сайтига жойлаштирилган рўйхати;

аудиторлик фаолияти — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти;

аудит қўмитаси — хўжалик юритувчи субъектнинг кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган, қоида тариқасида, қаида бир нафар мустақил аъзони ўз ичига оладиган, молиявий ҳисоботни тузишнинг тўғрилиги устидан назорат ўрнатилиши, мустақил аудиторлик ташкилотининг танланиши, аудиторлик текшируви ўтказилиши жараёнларини кузатиш, шунингдек ички ва ташқи аудиторлик текширувлари натижаларини олиш ҳамда ўрганиш учун масъул бўлган қўмита;

рэнкинг — аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини тавсифловчи муайян кўрсаткичлар бўйича гуруҳларга ажратилган аудиторлик ташкилотларининг тартибга солинган рўйхатларини шакллантириш;

талабгор — малака сертификатини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга даъвогар бўлган жисмоний шахс.

4-модда. Аудиторлик фаолияти соҳасидаги асосий принциплар

Аудиторлик фаолияти соҳасидаги асосий принциплар мустақиллик, холислик ва ҳалолликдан, касбий билимга эгалик ҳамда ахборотнинг махфийлигидан иборатдир.

5-модда. Мустақиллик принципи

Аудитор тахминларга асосланиб фикр билдиришдан холи бўлиши ва ўзининг обрўсини туширадиган фактларга йўл қўймаслиги керак.

Аудиторлик ташкилоти мустақиллигига монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, аудиторлик хизматлари кўрсатишни рад этиши керак.

6-модда. Холислик ва ҳалоллик принципи

Аудитор жамият манфаатлари устуворлигига риоя этиши, беғараз бўлиши ва тахминларга асосланиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбга оид фикр-мулоҳазасида таваккалчилик қилмаслиги, аудиторлик ташкилотининг обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.

7-модда. Чуқур касбий билимга эгаллик принципи

Аудитор ушбу Қонун талабларига риоя этиши, етарли даражада чуқур касбий билимга эга бўлиши ҳамда касбий билим ва кўникмаларини аудиторлик ташкилоти таркибида сифатли аудиторлик хизматлари кўрсатиш учун етарли бўлган даражада сақлаб туриши керак.

8-модда. Ахборотнинг махфийлиги принципи

Аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти ходимлари аудиторлик хизматлари кўрсатиш жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни ўзига аудиторлик хизматлари кўрсатилган шахсларнинг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳамда ўзгаларга беришга ҳақли эмас, бундан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллари тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

9-модда. Аудиторлик фаолияти стандартлари

Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинадиган аудитнинг халқаро стандартлари ҳамда сифат назоратининг халқаро стандартлари, тахлилий текширувларнинг халқаро стандартлари, ишончни таъминлайдиган топшириқларнинг халқаро стандартлари, турдош хизматларнинг халқаро стандартлари аудиторлик фаолияти стандартларидир.

Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаган, Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Ўзбекистон Республикасида эълон қилиш тўғрисидаги рухсатномаси асосида аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган аудиторлик фаолияти стандартлари асосида амалга оширилади.

Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун уларни тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2-боб. Аудиторлик фаолияти соҳасини тартибга солиш**10-модда. Аудиторлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Аудиторлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

аудиторлик фаолиятини ва аудиторлик хизматлари бозоридаги ҳалол рақобатни илғор халқаро амалиёт асосида ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

аудиторлик текширувларининг ўрнини, аҳамиятини ва кўрсатилаётган аудиторлик хизматларининг сифати учун аудиторлик ташкилотларининг жавобгарлигини ошириш;

аудиторларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими такомиллаштириш;

аудиторлик ташкилотларининг иши сифатини ташқи назорат қилиш тизимини шакллантириш;

ёшларни аудиторлик касбига жалб этиш ва касбга оид аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг тегишли олий таълим ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилишини таъминлаш.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

аудиторлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қўллаш учун аудитнинг халқаро стандартларини тан олиш тартибини белгилайди;

аудиторнинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳони ўтказиш тартибини белгилайди;

аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартибини белгилайди.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

аудиторлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

аудиторлик фаолияти соҳасидаги халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалайди;

ўз ваколатлари доирасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

малака комиссиясининг иш тартиби ва регламентини белгилайди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари иштирокида малака имтиҳонини ўтказиши;

аудиторнинг малака сертификатини беради, қайта расмийлаштиради, унинг амал қилиш муддатини узайтиради ва унинг амал қилишини тугатади, бундан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилдиган сертификат мустасно;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда аудиторлар малакасини оширишнинг намунавий дастурини тасдиқлайди;

Аудиторлик ташкилотларининг реестрини ва Аудиторлар реестрини юритади;

аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан электрон тарзда ҳамкорлик қилиш учун мўлжалланган

«Аудит» дастурий мажмуининг ахборот тизими такомиллаштирилишини таъминлайди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда аудиторлик ташкилотларининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказди;

аудиторлик хизматлари ривожланишини таҳлил қилишни амалга оширади.

13-модда. Ваколатли давлат органи фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш

Ваколатли давлат органи ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф, бошқа давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига қўйидагилар жойлаштирилади:

аудиторлик фаолиятининг стандартлари;

Аудиторлик ташкилотларининг реестри ҳамда халқаро аудиторлик ташкилотининг ёки халқаро ассоциацияларнинг аъзолари бўлган аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар;

малака имтиҳонини топширишига рухсат берилган, шунингдек халқаро бухгалтер сертификатига ёки камида ўн йиллик узлуксиз аудиторлик иш стажига эга бўлган талабгорлар рўйхати;

аудиторнинг сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги маълумотлар;

ушбу Қонун 44-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган Аудиторлар реестридан маълумотлар;

малака имтиҳонини топшириш, аудиторнинг малака сертификатини қайта расмийлаштириш ҳамда унинг дубликатини бериш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг рўйхати ва аризаларнинг намуналари;

аудиторнинг малака сертификати бланкасининг шакли;

аудиторлар малакасини оширишнинг намунавий дастури;

аудиторлик ташкилотларининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотларининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш натижалари;

аудиторлик хизматларини ривожлантириш тўғрисидаги ахборот.

Ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида қонунчиликка мувофиқ бошқа ахборот жойлаштирилиши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколатлари доирасида: банкларни ва бошқа кредит ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди;

банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатини бериш тартибини белгилайди ва уни беради;

банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган Аудиторларнинг реестрини юридади ва уни ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради.

15-модда. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари

Аудиторларни бирлаштирадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларидир.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари аудиторларнинг касбий даражасини ривожлантиришга ва сақлаб туришга, уларнинг касбий манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишга даъват этилгандир.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари:

малака имтиҳонларини ўтказишда ва тест саволларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари томонидан Халқаро бухгалтерлар федерациясининг Халқаро одоб-ахлоқ стандартлари бўйича кенгаши томонидан эълон қилинган Профессional бухгалтернинг одоб-ахлоқ кодексига (бундан буён матнда Профессional бухгалтернинг одоб-ахлоқ кодекси деб юритилади) риоя этилишининг тизимли мониторинги ташкил этилишини таъминлайди;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

рэнкинг ўтказишнинг ягона тартибини белгилайди;

рэнкинг ўтказилишини ташкил этади ва ҳар йили 1 майга қадар унинг натижаларини ўз расмий веб-сайтларида эълон қилади;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари аъзоларининг реестрларини юридади ва уларни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради;

зарурат бўлганда, бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича халқаро ташкилотларнинг ишида иштирок этади;

ҳар йили 10 январга қадар аудиторларнинг малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги ахборотни ваколатли давлат органига тақдим этади.

16-модда. Аудиторлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги

Аудиторлик ташкилотларининг фаолиятига аралашишга ва аудиторлик ташкилотига, шунингдек унинг ходимларига қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Аудитор ва унинг ёрдамчиси, аудиторнинг малака сертификати

17-модда. Аудитор. Аудиторнинг ёрдамчиси

Аудитор ўзи билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартнома асосида бир вақтнинг ўзида фақат битта аудиторлик ташкилоти таркибида ишлаши мумкин.

Аудитор ўзи ишлайдиган фақат битта аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги муносабати билан Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган аудиторлик ташкилотини илгари бошқарган аудитор аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган санадан эътиборан уч йил ичида бошқа аудиторлик ташкилотининг раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Аудиторнинг малака сертификатига эга бўлмаган, аудиторлик ташкилотида ишловчи ҳамда аудиторнинг топшириғига кўра аудиторлик хулосасига ва аудиторлик текширувини ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатга имзо қўйиш ҳуқуқсиз аудиторлик текширувида иштирок этадиган жисмоний шахс аудиторнинг ёрдамчисидир.

Аудиторнинг ёрдамчисига нисбатан унинг аудиторлик текширувида иштирок этиши чоғида ўзи олган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти татбиқ этилади.

18-модда. Аудиторларнинг малакасини ошириш

Аудиторларнинг малакасини ошириш бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги халқаро ташкилотда аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади.

Аудитор аудиторнинг малака сертификатини олган йилдан кейинги йилдан эътиборан ҳар йили аудиторларнинг малака ошириш курсларидан ўтади.

Аудиторларнинг малакасини ошириш курслари ваколатли давлат органи томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда тасдиқланадиган намунавий дастур бўйича ўтказилади.

19-модда. Аудиторнинг малака сертификати

Аудиторнинг малака сертификати (бундан буён матнда сертификат деб юритилади) аудиторнинг малакасини тасдиқлайдиган ва унга аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатдир.

Сертификат башарти талабгор малака имтиҳонини муваффақиятли топширса, ваколатли давлат органи томонидан бериладиган, қатъий ҳисоботга оид ҳужжатдир.

Сертификат дастлабки беш йиллик муддатга берилади, унинг амал қилиши навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга узайтирилади.

Талабгорда халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлган ҳамда у ушбу Қонуннинг 21 ва 22-моддаларида назарда тутилган талабларга риоя этган тақдирда, сертификат унга малака имтиҳонини топширмаган ҳолда дастлабки беш йиллик муддатга берилади ва белгиланган даврийлик билан узайтирилади.

20-модда. Малака имтиҳони

Сертификат олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун

талабгорларнинг билимларини малака комиссияси томонидан текшириш тартиб-таомили малака имтиҳонидир.

Малака имтиҳонини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Аудиторда камида ўн йиллик узлуксиз аудиторлик иш стажини мавжуд бўлган ва у ушбу Қонун 22-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, сертификатнинг амал қилиш муддати малака имтиҳони топширилмаган ҳолда узайтирилади.

Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор, малака имтиҳонини қайта топшириш учун малака имтиҳонидан иштирок этган санадан эътиборан камида бир ойдан сўнг ҳужжатларни тақдим этишга ҳақли.

21-модда. Сертификат олиш учун талабгорга қўйиладиган малака талаблари

Сертификат олиш учун талабгор олий маълумотга ҳамда олий таълим ташкилотини тамомлаганидан кейин охириги ўн йилдан камида уч йил бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ёки олий таълим ташкилотидан «Бухгалтерия ҳисоби» ёхуд «Аудит» фанидан дарс бериш соҳасида иш стажига (шу жумладан ўриндошлик асосида) эга бўлиши керак.

«Бухгалтерия ҳисоби» ва «аудит» ихтисосликлари бўйича магистр дипломига эга бўлган талабгор учун аудиторлик ташкилотидан камида бир йиллик иш стажини (шу жумладан ўриндошлик асосида) талаб қилинади.

Талабгорнинг иқтисодий ихтисосликлар бўйича илмий даражаси мавжуд бўлган тақдирда, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги иш стажини талаб этилмайди.

22-модда. Сертификат олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун зарур бўлган ҳужжатлар

Талабгор дастлабки беш йиллик муддатга сертификат олиш учун ваколатли давлат органига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

паспортининг кўчирма нусхасини;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёки илмий даража тўғрисидаги ҳужжатнинг ёхуд чет давлатда олинган олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги тегишли ваколатли давлат органи гувоҳномасининг кўчирма нусхасини;

белгиланган даврийлик билан малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, халқаро бухгалтер сертификатининг кўчирма нусхасини (мавжуд бўлган тақдирда);

меҳнат дафтарчасининг кўчирма нусхасини (ўриндошлик асосида иш стажини мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган ҳолда, шунингдек хориждаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатни) ёки «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидан кўчирмани;

аризани кўриб чиқиш учун йўғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг кўчирма нусхасини.

Аудитор сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун унинг дастлабки беш йиллик муддати ёки навбатдаги ўн йиллик муддати тугашидан уч ой олдин, бироқ сертификатнинг амал қилиш муддати тугашидан кўпи билан олти ой олдин ваколатли давлат органига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

сертификатнинг асл нусхасини;

белгиланган даврийлик билан малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, халқаро бухгалтер сертификатининг кўчирма нусхасини (мавжуд бўлган тақдирда);

меҳнат дафтарчасининг кўчирма нусхасини ёки «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидан кўчирмани;

аризани кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг кўчирма нусхасини.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган ҳужжатлар ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади.

Ушбу моддада назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

23-модда. Талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари

Ваколатли давлат органи сертификат олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун ариза келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ҳақида ёки рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талабгорнинг малака имтиҳонини топширмаган ҳолда сертификат олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун аризасини кўриб чиқиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатда амалга оширилади. Талабгорларга малака имтиҳонини топширмаган ҳолда сертификат беришни ёки сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш мазкур Қонуннинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Сертификат олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўланади.

Малака имтиҳонини топширишига рухсат берилган, шунингдек халқаро бухгалтер сертификатига ёки камида ўн йиллик узлуксиз аудиторлик иш стажига эга бўлган талабгорлар рўйхати ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Малака имтиҳони топширишига рухсат берилган талабгорлар малака имтиҳони ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида ўн иш куни олдин ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

Халқаро бухгалтер сертификатига ёки камида ўн йиллик узлуксиз аудиторлик иш стажига эга бўлган талабгорларга ваколатли давлат органининг тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиши натижалари тўғрисида хабарномалар юборилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати узайтирилганда ариза тақдим этилган санадан то сертификатнинг амал қилиш муддати тугайдиган санагача бўлган вақт даври аудитор сифатидаги узлуксиз иш стажига қўшилади.

Аудитор сифатидаги узлуксиз иш стажини аниқлаш чоғида аудитор лавозимига тайинлашлар оралиғидаги бир ойдан кўп бўлмаган вақт даври узилиш деб қаралмайди.

Агар талабгор малака имтиҳонини топширишга икки марта келмаган бўлса, тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилади. Бунда сертификат олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун аризани кўриб чиқиш учун тўланган йиғим қайтарилмайди.

24-модда. Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган тақдирда, ваколатли давлат органи қабул қилинган қарор тўғрисида талабгорни рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

талабгорнинг ушбу Қонун 21-моддасида белгиланган малака талабларига мувофиқ эмаслиги;

ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги.

Малака имтиҳонини топширишига рухсат бериш рад этилган талабгор камчиликлар бартараф этилганидан кейин ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли. Камчиликлар ўн беш иш куни ичида бартараф этилганда аризани кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

25-модда. Сертификатни расмийлаштириш ва қайта расмийлаштириш, унинг дубликатини бериш

Сертификат ваколатли давлат органи томонидан малака комиссиясининг баённомалари олинганидан кейин ўн кунлик муддатда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

Аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартишларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан эътиборан бир ойлик муддатда ваколатли давлат органига сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Сертификатни қайта расмийлаштириш аудитор қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган сертификатнинг асл нусхасини ва тегишли ўзгартишларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда сертификатни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза берган кундан эътиборан беш иш куни ичида амалга оширилади. Қайта расмийлаштириш чоғида аввал берилган рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган сертификатнинг янги бланкаси берилади. Илгари берилган сертификат бланкаси йўқ қилинади.

Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган сертификат ўрнига аудиторнинг сертификатнинг дубликатини бериш тўғрисидаги аризасига асосан унинг дубликати берилади. Сертификат йўқолганлиги тўғрисидаги ахборот ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Сертификатнинг дубликати айнан ўша рақамда ва илгари белгиланган амал қилиш муддатига, сертификатнинг янги бланкасида «Дубликат» деган ёзув албатта киритилган ҳолда берилади.

Яроқсиз ҳолга келган сертификат ваколатли давлат органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

Сертификатни қайта расмийлаштириш ёки унинг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

26-модда. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш

Сертификатнинг амал қилиши унинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади: аудиторнинг сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги аризаси;

уч йил давомида аудиторлик фаолиятида иштирок этмаганлик;
сертификат расмийлаштирилган санадан эътиборан олти ой давомида аудиторнинг сертификатни олиш учун келмаганлиги;

ваколатли давлат органининг сертификат бериш тўғрисидаги қарори қонунга хилоф эканлиги факти аниқланганлиги;

сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганлиги;

суднинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутувчи қонуний кучга кирган ҳукми;

суднинг сертификат эгасини белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги қарори;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида ушбу Қонун талабларини мунтазам равишда (икки мартадан кўп) ёки бир марта кўпол тарзда бузганлик.

Қуйидагилар ушбу Қонун талабларини бир марта кўпол тарзда бузиш деб эътироф этилади:

аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган чекловларни бузганлик;

била туриб сохта аудиторлик хулосасини тузганлик;

аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида олинган махфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг руҳсатсиз ошкор қилганлик, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида аниқланган, бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек молиявий ҳисобот тузиш бўйича белгиланган талабларнинг хўжалик юритувчи субъект томонидан бузилиши фактларининг аудитор томонидан яширилганлиги;

сертификатни бошқа шахсга унинг аудиторлик фаолиятида ўз номидан иштирок этиши учун ушбу ҳужжатдан фойдаланиши мақсадида берганлик факти аниқланганлиги;

аудиторнинг назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириқларига кўра ҳар хил текширувларни ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва мазкур органлар ўртасида шартнома тузилмаган ҳолда мутахассис сифатида иштирок этганлиги;

аудитор бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ аудиторлик ташкилотининг ходими ёки муассиси (иштирокчиси) эканлиги факти аниқланганлиги;

аудиторнинг ҳар йилги малака ошириш курсларидан ўтмаганлиги.

Ушбу модда иккинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисида назарда тутилган асослар бўйича ўз сертификатининг амал қилиши тугатилган аудитор сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил давомида сертификат олиш ҳақидаги ариза билан такроран мурожаат қилишга ҳақли эмас.

Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқаришга сабаб бўлган қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудитор сертификатларининг амал қилиши аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган санадан эътиборан тугатилади.

Ваколатли давлат органининг сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонунчиликда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор аудиторга ёки ушбу аудитор ишлаётган аудиторлик ташкилотига беш кунлик муддатда юборилади.

Сертификатнинг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор аудитор томонидан олинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида сертификат ваколатли давлат органига йўқ қилиш учун қайтарилиши лозим.

4-боб. Аудиторлик ташкилоти. Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

27-модда. Аудиторлик ташкилоти

Аудиторлик ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилган санадан эътиборан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

Аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

Аудиторлик ташкилоти вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Аудиторлик ташкилотларига тадбиркорлик фаолиятининг ушбу Қонун

32 ва 33-моддаларида назарда тутилган турларидан ташқари бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонунчиликка мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

Аудиторлик ташкилоти, башарти қуйидаги мажбурий шартларга риоя этса, қонунчиликда назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда, бундан акциядорлик жамияти мустасно, ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин:

аудиторлик ташкилоти ўзи учун асосий иш жойи бўлган аудиторларнинг энг кам сони штатдаги камида тўрт нафар аудитордан иборат бўлади;

аудиторлик ташкилотининг устав фонди (устав капитали) аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланадиган мол-мулкдан, шу жумладан пул маблағларидан шакллантирилади;

устав фондидаги (устав капиталидаги) аудиторларга (аудиторга) тегишли бўлган улуш камида эллик бир фоизни ташкил этиши керак (бундан аудиторлик ташкилоти — чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба хўжалик жамияти ташкил этилган ҳоллар мустасно);

аудиторлик ташкилотига фақат ўзи учун мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи бўлган аудитор раҳбар бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилоти бошқа аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг олтинчи қисми талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда аудиторлик ташкилоти номувофиқлик юзага келган кундан эътиборан беш кун муддатда ваколатли давлат органини бу ҳақда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади ва юзага келган номувофиқликни кўрсатиб ўтилган санадан эътиборан уч ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиши ёхуд аудиторлик фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Ушбу модданинг олтинчи қисми талабларига номувофиқлик бартараф этилгунига қадар аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувлари ўтказиш тақиқланади.

Аудиторлик ташкилотининг филиали ташкил этилганда филиал раҳбари аудитор бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотининг фирма номида «аудиторлик ташкилоти» деган сўз бирикмаси бўлиши ва бу ном бошқа аудиторлик ташкилотларининг фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгиларни ўз ичига олмаслиги керак.

Ўзи ҳақидаги маълумотлар Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан эътиборан уч ой давомида у тўғрисидаги маълумотлар Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилмаган тижорат ташкилоти ўз номида «аудиторлик ташкилоти» деган сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилган тақдирда, аудиторлик фаолиятини амалга оширишга ва фирма

номида «аудиторлик ташкилоти» деган сўз бирикмасидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

28-модда. Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари

Аудиторлик ташкилоти:

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқишни амалга оширишга;

аудиторлик текширувини ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил тарзда белгилашга;

аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳужжатларини тўлиқ ҳажмда олишга, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текширишга;

хўжалик юритувчи субъект томонидан эълон қилинган аудиторлик ташкилоти танловларида иштирок этишга, шунингдек танлов шартлари билан танишиб чиқиш ва ўз таклифларини тақдим этишга;

хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахсларидан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан, аудит қўмитасидан аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар олишга;

учинчи шахслардан ахборотнинг ёзма тасдиқномаларини олишга;

аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишни рад этишга;

аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этиш учун бошқа мутахассисларни эксперт сифатида жалб этишга;

аудиторлик текшируви билан қамраб олинмаган даврда хўжалик юритувчи субъектга турдош хизматлар кўрсатишга, бундан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш, тафтиш комиссияси (тафтишчи) вазифаларини, инвестиция активларини ишончли бошқарувчи вазифаларини амалга ошириш мустасно;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ҳамда бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашишга ҳақли.

Аудиторлик ташкилоти қонунчиликка ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29-модда. Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари

Аудиторлик ташкилоти:

ушбу Қонун, аудиторлик фаолиятининг стандартлари ва Профессional бухгалтернинг одоб-ахлоқи кодекси талабларига риоя этиши;

жинойъ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

аудиторларга (аудиторга) устав фондидаги (устав капиталидаги) тегишли улуш камида эллик бир фоиз бўлишини таъминлаши (бундан аудиторлик ташкилотини — чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шуъба хўжалик жамиятини ташкил этиш ҳоллари мустасно);

штатида асосий иш жойи аудиторлик ташкилоти бўлган камида тўрт нафар аудитор мавжуд бўлишини таъминлаши;

аудиторларнинг йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишини таъминлаши;

аудиторлик фаолиятини фақат аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириши;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида мустақилликни таъминлаши;

аудиторлик хизматлари буюртмачисининг талабига кўра аудитор (аудиторлар) сертификатини, аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полисини кўрсатиши;

аудиторлик текширувини ўтказишга доир аудитнинг халқаро стандартлари талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозларига асос бўлган қонунчилик ҳужжатлари нормалари ҳақидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан тақдим этиши;

аудиторлик хизматларини кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаши;

аудиторлик текшируви натижаларини аудиторлик фаолияти стандартларига мувофиқ расмийлаштириши ва аудиторлик хулосаларининг нусхаларини аудиторлик ташкилотида камида беш йил сақлаши;

ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда ўз расмий веб-сайтларига ёки аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириши;

аудиторлик ташкилотлари рэнкингини ўтказиш учун ахборот тақдим этиши;

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари тўғрисида ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқ тасдиқловчи фактлар ҳақида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятини ва корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахсларни, аудит қўмитасини ёзма шаклда хабардор қилиши;

аудиторлар иши сифатининг ички назорат тизимини ўрнатиши ва унга риоя этиши;

аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказишга монелик қилмаслиги;

ўз почта манзили ва электрон манзили ўзгарганлиги тўғрисида, ауди-

торлик ташкилотининг раҳбари алмашганлиги ва (ёки) аудиторлар таркиби ўзгарганлиги ҳақида ваколатли давлат органини беш кунлик муддатда ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилиши;

ҳар йили 20 январга қадар аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этиши шарт.

Аудиторлик ташкилотининг зиммасида қонунчиликка ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

30-модда. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъект ва молиявий ҳисоботдан бошқа фойдаланувчилар олдида уларга молиявий ҳисоботлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа молиявий ахбороти тўғрисидаги нотўғри яқунни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини тузиш оқибатида етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун аудиторлик ташкилоти раҳбари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Маълумотлари Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилмаган ташкилот томонидан аудиторлик текширувини ўтказганлик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

5-боб. Аудиторлик ташкилоти томонидан хизматлар кўрсатиш

31-модда. Аудиторлик хизматларининг турлари

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ва турдош хизматлари туридаги аудиторлик хизматларини кўрсатади.

Аудиторлик хизматлари аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик хизматлари буюртмачиси ўртасида тузилган шартнома асосида кўрсатилади.

32-модда. Аудиторлик текшируви

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисоботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади.

Ишонччилик деганда молиявий ҳисобот маълумотларининг аниқлик даражаси тушунилиб, у ушбу ҳисобот асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволи ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида холис хулосалар чиқариш имконини беради.

Аудиторлик текшируви ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган чекловларга риоя этиш шарт билан мажбурий тарзда ва ташаббус шаклида ўтказилади.

Аудиторлик текширувини давлат сирларидан ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан фойдаланган ҳолда ўтказиш фақат уларни ҳимоя қилиш чоралари қўрилганидан кейин қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Қонун талабларидан фарқ қиладиган тартибда амалга ошириладиган текширув аудиторлик текшируви бўлмайди.

33-модда. Аудиторлик ташкилотларининг турдош хизматлари

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги турдош хизматларни кўрсатиши мумкин:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш;

юридик шахснинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси), инвестиция активларини ишончли бошқарувчи вазифаларини амалга ошириш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;

аудиторлик ташкилотининг штатида солиқ маслаҳатчиси мавжуд бўлганда ёхуд шартнома шартлари асосида уни жалб этган ҳолда, солиққа оид қонунчиликни қўллаш, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоблар, декларациялар тузиш юзасидан маслаҳатлар бериш;

молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, шу жумладан бизнес-режалар тайёрлаш, иқтисодий, молиявий маслаҳат ва бошқарувга оид маслаҳат бериш;

бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий ҳисобот, солиқ солиш, молия-хўжалик фаолиятини ҳамда молиявий режалаштиришни таҳлил қилишга доир семинарлар, конференциялар ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш ва молиявий ҳисобот тузиш, молиявий ахборотнинг ахборот хавфсизлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти стандартларида назарда тутилган бошқа турдош хизматларни ҳам кўрсатиши мумкин.

6-боб. Аудиторлик текширувларини ўтказиш

34-модда. Аудиторлик текширувини ўтказишдаги чекловлар

Аудиторлик ташкилотларига қуйидагиларга нисбатан аудиторлик текширувини ўтказиш тақиқланади:

мазкур аудиторлик ташкилотининг кредиторлари, суғурталовчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар ўзининг муассислари, иштирокчилари, акциядорлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан;

муассиси, иштирокчиси, акциядори ёки раҳбарлик вазифаларини ёхуд бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахси, аудит қўмитаси аъзоси бир вақтнинг ўзида мазкур аудиторлик ташкилотининг ходими бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан;

аудиторлик текшируви билан қамраб олинadиган даврда мазкур хўжалик юритувчи субъектга ушбу Қонун 33-моддаси биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган турдош хизматларни кўрсатганларга;

ходимлари муассиснинг, иштирокчининг яқин қариндошлари ёки раҳбарлик вазифаларини ёхуд бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахснинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект аудит қўмитаси аъзосининг яқин қариндошлари бўлган;

аудиторлик ташкилотининг ёки аудиторнинг манфаатдорлиги молиявий ҳисобот ва у билан боғлиқ молиявий ахборот тўғрисида фикр билдиришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда.

Аудиторлик ташкилоти кетма-кет етти йилдан кўпроқ айна бир хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини ўтказишга ҳақли эмас.

35-модда. Мажбурий аудиторлик текшируви

Қуйидаги ташкилотлар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамловчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилари;

манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмаларидан иборат бўлган хайрия, жамоат фондлари ва бошқа фондлар;

устав фондида (устав капиталида) давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари;

фонд ва товар биржалари;

ҳисобот йили яқунларига кўра қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари: активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз минг баравари миқдоридан ортиқ, ходимларининг ўртача йиллик сони юз нафардан ортиқ бўлса.

Қуйидаги шартларга мувофиқ бўлган аудиторлик ташкилотларининг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ташкилотларнинг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишига йўл қўйилади:

штатида камида кетма-кет уч йиллик узлуксиз иш стажига ёки халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган камида икки нафар аудиторнинг мавжудлиги;

аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш натижаларига кўра, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари мавжуд эмаслиги.

Банкларнинг аудиторлик текшируви штатида банкларнинг аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқи учун аудиторнинг малака сертификатига эга бўлган камида икки нафар аудитор мавжуд бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий аудиторлик текшируви буюртмачилари сифатида иш юритади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин ўн беш кун ичида, бироқ ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктирмай, солиқ органларига аудиторлик ҳулосасининг кўчирма нусхасини тақдим этади.

Мажбурий аудиторлик текширувини қонунга мувофиқ ўтказишдан бўйин товлаш хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилишига сабаб бўлади.

Йиллик молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнигача ўтказмаслик ва аудиторлик ҳулосасининг йўқлиги хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши деб эътироф этилади.

Солиқ органлари томонидан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин календарь йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаслик хўжалик юритувчи субъектдан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридаги суммада жарима ундиришга сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъект жаримани ихтиёрий равишда тўлашдан бош тортган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги масала иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

Жаримани тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан озод қилмайди.

36-модда. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви

Юридик шахс, унинг мулкдори, устав фондида (устав капиталида) камида 10 фоиз миқдоридаги улушга эга бўлган иштирокчилар ва акциядорлар, шунингдек назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачилари бўлиши мумкин.

Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббусига кўра аудиторлик текшируви аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтказилади ҳамда мазкур шартнома асосида ҳақ тўланади. Бунда назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан айни бир аудиторлик ташкилотини айни бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини айни ўша асосларга кўра текширишга такроран жалб этишга йўл қўйилмайди.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувини ўтказишга доир ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиққан шахс ёки орган ҳисобидан амалга оширилади.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувини ўтказиш предмети, муддатлари ҳамда бошқа шартлари аудиторлик текширувининг буюртмачиси ва аудиторлик ташкилоти ўртасида тузиладиган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

37-модда. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзига нисбатан аудиторлик текшируви ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект аудиторлик ташкилотидан:

аудиторлик хулосасини;

аудиторлик хулосасида ифодаланган фикр юзасидан тушунтиришларни ва аудиторлик ташкилотининг фикрига асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги ахборотни;

бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисобот тузиш ҳамда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни тўғрилаш тартиби ҳақида маслаҳатлар олишга ҳақлидир.

Ўзига нисбатан аудиторлик текшируви ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторга шарт-шароитларни яратиб бериши ва унга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларга риоя этиши;

аудиторлик текшируви давомида аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқиши ва мазкур ахборот олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай аудиторлик ташкилотини натижалар ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиши;

аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритишга, молиявий ҳисобот тузишга ҳамда солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш тартибига доир қоидабузарликларни бартараф этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъект ушбу Қонунга мувофиқ амалга ошириладиган аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш ёки унга тўсқинлик қилиш мақсадида бирон-бир ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъект қонунчиликка ҳамда аудиторлик ташкилоти билан тузилган аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

38-модда. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачиси:

аудиторлик ташкилотини мустақил равишда танлашга;
ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг йўналиши ва ҳажми-ни белгилашга;

аудиторнинг мулоҳазалари асосланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги зарур ахборотни аудиторлик ташкилотидан олишга;

аудиторлик хулосасини олишга ҳақли.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачиси:

аудиторлик текширувини аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда ўтказиш учун аудиторга тегишли шарт-шароитлар яратиши;

аудиторга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ ауди-торлик ташкилоти хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаши шарт.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачиси қонун-чиликка ва аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномага муво-фиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда унинг зиммасида бошқа мажбу-риятлар бўлиши мумкин.

39-модда. Аудиторлик хулосаси

Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ва бухгалтерия ҳисоби тўғриси-даги қонунчилик талабларига мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташки-лотининг ёзма шаклда ифодаланган фикрини ўз ичига олган ҳужжат ауди-торлик хулосасидир.

Аудиторлик хулосаси рақамланган, ҳар бир саҳифаси аудиторлик тек-ширувини амалга оширган аудитор (аудиторлар) ва аудиторлик ташкило-тининг раҳбари томонидан имзоланган ҳамда унга аудиторлик ташкилоти-нинг фикри қайси молиявий ҳисоботга нисбатан ифодаланган бўлса, ўша молиявий ҳисобот илова қилинган бўлиши керак.

Аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни аудиторлик фаолияти стандартлари билан белгиланади.

40-модда. Била туриб сохта тузилган аудиторлик хулосаси

Аудиторлик текширувини ўтказмасдан тузилган ёхуд аудиторлик тек-шируви натижаларига кўра тузилган, бироқ хўжалик юритувчи субъект-нинг аудиторлик текшируви жараёнида аудитор (аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган ҳужжатлари мазмунига мувофиқ бўлмаган аудитор-лик хулосаси била туриб сохта тузилган деб ҳисобланади.

Аудиторлик хулосаси суднинг қонуний кучга кирган қарорига кўра, била туриб сохта тузилган деб топилади.

Била туриб сохта аудиторлик хулосасини тузиш аудиторлик ташкило-тини Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқаришга, аудиторлик ташкилоти раҳбари сертификатининг ва аудиторлик текширувида иштирок этган аудиторлар сертификатларининг амал қилишини тугатишга, шунинг-дек айбдор шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тор-тишга сабаб бўлади.

7-боб. Аудиторлик ташкилотларининг реестрини ва Аудиторлар реестрини юритиш

41-модда. Аудиторлик ташкилотларининг реестри

Ваколатли давлат органи Аудиторлик ташкилотларининг реестрини электрон шаклда юритади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

аудиторлик ташкилотининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);

аудиторлик ташкилотининг телефон рақами;

аудиторлик ташкилотининг электрон манзили ва расмий веб-сайти (мавжуд бўлган тақдирда);

аудиторлик ташкилотининг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

аудиторлик ташкилоти раҳбарининг ва аудиторларининг фамилияси, исми, отасининг исми, улар сертификатларининг рақами ҳамда олинган санаси;

аудиторлик ташкилоти Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритилган сана;

Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилиш асослари ва санаси.

Аудиторлик ташкилотларининг реестридаги мавжуд ахборот танишиб чиқиш учун очиқдир.

42-модда. Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш

Белгиланган тартибда рўйхатга олинган аудиторлик ташкилоти маълумотларни Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритиш учун ваколатли давлат органига маълумотномани ва аудиторлар меҳнат дафтарчаларининг кўчирма нусхаларини («Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексидан кўчирмаларни) почта орқали ёки электрон шаклда юборади. Маълумотномада аудиторлик ташкилотининг номи, почта ва электрон манзили, веб-сайти (мавжуд бўлган тақдирда), телефон алоқа рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади.

Ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларни кўриб чиққанидан кейин беш иш куни ичида аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритишни амалга оширади.

Ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотни қуйидаги ҳолларда Аудиторлик ташкилотларининг реестрига киритмайди:

аудиторлик ташкилоти томонидан нотўғри маълумотлар тақдим этилганда;

аудиторлик ташкилоти ушбу Қонуннинг 27-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганда.

43-модда. Аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқариш

Аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳолларда Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилади:

аудиторлик ташкилоти тугатилганда;
аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турлари амалга оширилганда ёки фаолият тури ўзгарганда;
ушбу Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган аудиторлик текширувини ўтказишдаги чекловлар бузилганда;
била туриб сохта аудиторлик хулосаси тузилганда;
аудиторлик хизматлари кўрсатиш чоғида олинган махфий ахборот ошкор қилинганда;
аудиторлик фаолиятини амалга оширишда аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси мавжуд бўлмаганда;
аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати ўтказилаётганда зарур ҳужжатларни ва ахборотларни ваколатли давлат органига тақдим этмаганда.

Аудиторлик ташкилотининг Аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, шунингдек ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши лозим.

44-модда. Аудиторлар реестри

Ваколатли давлат органи Аудиторлар реестрини юритади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
аудиторнинг иш жойи;
сертификатнинг рақами, берилган санаси;
сертификат олган шахснинг фамилияси, исми ва имзоси, шунингдек сертификат олинган сана ва унинг амал қилиш муддати;
аудиторнинг ҳар йилги малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
халқаро бухгалтер сертификатининг (мавжуд бўлган тақдирда) номи ва берилган санаси;
сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш, сертификатнинг амал қилишини тугатиш, уни қайта расмийлаштириш ва унинг дубликати бериш тўғрисидаги маълумотлар.

Ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига Аудиторлар реестридаги танишиш учун очиқ бўлган маълумотлар жойлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
сертификатнинг рақами, берилган санаси;
сертификатнинг амал қилиш муддати;
аудиторларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотлар (йил якунларига кўра);
сертификатнинг амал қилишини тугатиш ва унинг дубликати бериш тўғрисидаги маълумотлар.

**8-боб. Аудиторлар иши сифатининг ички назорати ва
аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг
ташқи назорати**

45-модда. Аудиторлар иши сифатининг ички назорати

Аудиторлар иши сифатининг ички назорати аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган, унинг аудиторлари ва ходимлари томонидан ушбу Қонун талабларига риоя этилишини таъминловчи тартиб-таомилларга асосланган ташкилий чора-тадбирлар тизимидан иборатдир.

Аудиторлар иши сифатининг ички назорати аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик фаолияти стандартларига биноан амалга оширилади ва у аудиторлик хизматлари кўрсатиш чоғидаги мажбурий шартдир.

46-модда. Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати

Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати ваколатли давлат органи аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда амалга оширадиган, аудиторлик ташкилотлари томонидан ушбу Қонун талабларини ва аудиторлик фаолияти стандартларини бузишларни аниқлашга ҳамда келгусида уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидан иборатдир.

Аудиторлик ташкилоти аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан ташқи сифат назоратидан ихтиёрий асосда ўтиши мумкин. Назоратнинг мазкур тури ушбу Қонунга мувофиқ ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган ташқи сифат назоратини ўтказишнинг ўрнини босмайди.

Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати натижаларига кўра қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ваколатли давлат органи аудиторлик ташкилотига нисбатан қуйидаги таъсир чораларини қўллашга ҳақли:

аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини аудиторлик ташкилотининг зиммасига юклайдиган ва бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилайдиган билдиришнома чиқариш;

ушбу Қонун 43-моддаси биринчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган асосларга кўра судга мурожаат қилиш;

ушбу Қонуннинг 29-моддаси талабларини мунтазам равишда (икки мартадан ортиқ) бузганда аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижалари аниқланган қоидабузарликлар юзасидан кўрилган чоралар кўрсатилган ҳолда ваколатли давлат органининг ва аудиторлар республика жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

47-модда. Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назоратини ўтказиш муддати ва асослари

Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назоратини ўтказиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати таваккалчилик-тахлили натижаси ва аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу Қонун талабларининг бузилишларини содир этиш таваккалчилиги даражасини (бундан буён матнда таваккалчилик даражаси деб юритилади) баҳолаш яқунлари бўйича ўтказилади.

Таваккалчилик даражаси уч тоифага ажратилади:

қоидабузарликлар содир этилиши таваккалчилиги юқори бўлган аудиторлик ташкилотлари;

қоидабузарликлар содир этилиши таваккалчилиги ўртача бўлган аудиторлик ташкилотлари;

қоидабузарликлар содир этилиши таваккалчилиги паст бўлган аудиторлик ташкилотлари.

Таваккалчилик даражасини таҳлил қилиш ваколатли давлат органи томонидан ҳар йили 1 февралга қадар амалга оширилади, бундан аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган ҳоллар мустасно.

Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назоратини ўтказишда аудиторлик ташкилотининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди.

Ваколатли давлат органида ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларида мавжуд бўлган маълумотлар, шунингдек аудиторлик ташкилотининг ҳамда аудиторларнинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборот асосида қуйидаги ҳолатлар бўйича таваккалчилик даражасининг таҳлили амалга оширилади:

аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу Қонуннинг 27 ва 29-моддалари талабларига риоя этилиши;

аудиторлик ташкилотининг ушбу Қонун талабларини бузадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари мавжудлиги;

аудиторлик ташкилотининг муассислари (иштирокчилари) таркибида илгари аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун фаолияти тугатилган аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлган жисмоний шахсларнинг мавжудлиги;

аудиторлик ташкилоти иши сифатининг аввалги ташқи назорати яқунлари бўйича паст баҳо олганлиги.

48-модда. Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг асосий кўрсаткичлари ва уни баҳолаш

Аудиторлик ташкилоти иши сифатининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

ички назоратнинг тизими мавжудлиги;

аудитнинг халқаро стандартларига, сифат назоратига, таҳлилий текширувларга, турдош хизматлар кўрсатишга доир топшириқларга ва Профессинал бухгалтернинг одоб-ахлоқ кодексига риоя этилиши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши;

халқаро аудиторлик ташкилотларига ёки ассоциацияларига аъзолик;

аудиторлик текширувдини ўтказиш, турдош хизматлар кўрсатиш услугиётининг мавжудлиги;

кўрсатилган аудиторлик хизматлари натижаларининг тегишли равишда ҳужжатлаштирилиши;

аудиторлик текширувларини ўтказиш учун етарли миқдордаги меҳнат ва вақт ресурслари;

ахборотга ишлов бериш учун дастурий маҳсулотларни ва ахборот технологияларини қўллаш;

аудиторларнинг ҳар йилги малака ошириш курсларидан ўтиш;

ушбу Қонун талаблари бузилишларининг мавжуд эмаслиги;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг шикоятлари, шунингдек аудиторлик ташкилотининг фаолияти тўғрисида асосланган салбий фикрлар мавжуд эмаслиги, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида мавжуд эмаслиги.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

49-модда. Халқаро ҳамкорлик

Ваколатли давлат органи қонунчиликка ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ўз ваколатлари жумласига киритилган масалалар юзасидан халқаро ташкилотлар билан аудиторлик фаолияти соҳасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди ҳамда ахборот алмашишни амалга оширади.

50-модда. Низоларни ҳал этиш

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

51-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

52-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қили-**

надиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда, № 10, 670, 677-моддалар; 2019 йил, № 7, 389-модда, № 8, 471-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 3, 203-модда) **1-иловасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

ўттиз учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўттиз тўртинчи — олтмиш иккинчи хатбошилари тегишинча **ўттиз учинчи — олтмиш биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги 734–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 15-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»**ги 735–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 16-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 772–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) **VI бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги 78–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 149-модда);

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган **«Янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 79–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 150-модда);

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилнадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222–II-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 11-12, 222-модда) **2-илованинг 3-банди**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 447–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 8-модда) **III бўлими**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда содда-лаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–28-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) **1-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) **3-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–110-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 417-модда);

11) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрда қабул қилинган **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–216-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда) **3-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **3-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–372-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 130-модда) **2-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилин-

ган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **2-моддаси**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–429-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **2-моддаси**;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январда қабул қилинган «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–516-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 1, 5-модда) **2-моддаси**;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **4-моддаси**;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–603-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 4-модда) **1-моддаси**.

53-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

54-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

55-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 25 февраль,
ЎРҚ-677-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

75 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида*

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аграр соҳанинг барча тармоқларини молиялаштириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, аграр соҳани механизациялаш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг қўшимча механизмлари ва молиявий воситаларини жорий этишни кенгайтириш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) фаолиятини янги босқичга кўтаришга доир таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

а) агротехник тадбирларни, жумладан кузги шудгорлашни ва экин майдонларига минерал ўғитларни солишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида 2022 йил ҳосилдан бошлаб пахта хом ашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 ноябридан бошланади;

б) пахта йиғим-терими учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун компенсация тўлаш Жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация кредитнинг дастлабки 9 ойи учун тўланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк би-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 февралда эълон қилинган.

лан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Сабзавот етиштириш фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилда:

сабзавотчилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва бошқа сабзавот етиштирувчиларга тижорат банклари томонидан 9 ой муддатга йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасида (шундан, банк маржаси 2 фоиз) етиштириладиган сабзавот қийматининг 40 фоизигача миқдорда кредит ажратилади;

сабзавот етиштириш харажатларини кредитлаш учун Жамғарма томонидан 9 ой муддатга йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан икки фоиз пункт камайтирган ҳолда тижорат банкларига жойлаштирилади;

тижорат банки томонидан кредитлар битимда белгиланган муддатда қайтарилмаса, кредитларнинг қайтарилмаган қисмига фоизлар Марказий банкнинг асосий ставкасига 6 фоиз пункт қўшиб ҳисобланади.

2022 йил ҳосилидан бошлаб, асосий майдонларда сабзавот етиштириш учун ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган қисми учун компенсация тўлаш тизими жорий этилади.

4. 2021 йилдан бошлаб Жамғармага қуйидагиларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан маблағ ажратилсин:

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарар;

пахта йиғим-терими учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган компенсация;

молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан, бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовут.

Молия вазирлиги мазкур бандда кўзда тутилган мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштиради ва 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

5. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

пахта хом ашёси ва буғдой етиштириш харажатларини молиялаштириш; асосий майдонларда экиладиган сабзавот маҳсулотларини етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлаш;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур буғдойни бозор нархларида харид қилиш ва биржа савдоларига қўйиш;

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига замонавий, юқори самарали қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва ҳисоб-китоб тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ривожланган давлатларнинг аграр соҳасини молиялаштириш бўйича тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни республикада жорий қилиш.

6. Белгилансинки:

а) қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари ҳисобланади:

тижорат банкларига мақсадли ҳамда лизинг ташкилотларига қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш учун жойлаштирилган кредит ресурслари ҳамда қарз маблағларини қайтаришдан тушадиган тушумлар ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари;

Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган ижобий тафовут;

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

жалб этиладиган кредитлар, шу жумладан, чет эл кредитлари ва инвестициялар, халқаро молия институтлари грантлари ва донор ташкилотларининг маблағлари;

Жамғарманинг маблағларини тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун субсидия ҳамда комбайнларни хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига компенсация тўлашга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

пахта йиғим-терими учун ажратиладиган тижорат кредитлар бўйича фоиз ставканинг бир қисмини қоплашга компенсация тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан, бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

бюджет тизимининг бюджетларидан жалб қилинадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

пахта хом ашёси, буғдой ҳамда асосий майдонларда экиладиган сабза-

вот маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш учун тижорат банкларига ресурс жойлаштириш;

Галла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таклифига асосан тижорат вакили билан биргаликда ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлардан буғдой сотиб олиш;

жалб қилинган бюджет ссудаси, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш;

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича чет эл валютаси ва сўмдаги барча харажатларни, шунингдек, валюта курси ҳамда фоиз тўловлари бўйича юзага келадиган зарарларни қоплаш;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда субсидия тўлаш;

комбайнларнинг хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

пахта йиғим-терими учун тижорат кредитлар бўйича фоиз ставканинг бир қисмини қоплаш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовут бўйича зарарларни қоплаш;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаментини сақлаш харажатларини молиялаштириш;

в) Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

7. Қўйидагилар:

Жамғарманинг барча ҳисобварақларига, шу жумладан, Жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан операциялар ўтказиладиган тегишли банк ҳисобварақларига нисбатан чеклов чоралари қўлланилмаслиги;

Жамғарма маблағлари белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, улар Жамғарма томонидан инкассо топшириқномаси билан ундирилиши белгилаб қўйилсин.

8. Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйидагилар Жамғарма кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Галла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ички бозорда

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нарх барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлардан буғдой сотиб олишга доир таклиф киритиш;

Жамғарма ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг аграр соҳа тармоқларини молиялаштириш ва ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишлари натижаси тўғрисида ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни киритиш;

Жамғарма томонидан тайёрланадиган Жамғарманинг тушумлар ва харажатлар балансини кўриб чиқиш ва унинг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш;

Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментининг Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича ўтказган назорат тадбирлари натижалари юзасидан хулосаларни муҳокама қилиш ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.

9. Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаментининг (кейинги ўринларда — Департамент) тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Департаментга, истисно тариқасида, Жамғарма маблағларини электрон аукцион ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида тижорат банкларида депозитга жойлаштириш ҳуқуқи берилсин.

11. Марказий банк бир ҳафта муддатда Жамғармага молиявий операциялар ўтказиш учун миллий ва чет эл валютасида тегишли махсус ҳисобварақлар очилишини таъминласин.

12. Молия вазирлиги:

Жамғармада вақтинчалик маблағ тақчиллиги юзага келганда, жорий йилнинг ўтган даврида жойлаштирилган давлат қимматли қоғозларининг ўртача фоиз ставкасида икки йил муддатгача бюджет ссудасини ажратсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда нарх барқарорлигини таъминлаш учун дон сотиб олиш, сотиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма томонидан хўжалик юритувчи субъектларга компенсация ва субсидияларни тўлаш тартибини соддалаштириш ва такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда Жамғарма томонидан компенсация ва субсидияларни тўлаш Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмалари асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

14. Қуйидагилар:

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ушбу Фармоннинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишига, масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этишга ҳамда мувофиқлаштиришга, улар раҳбарларининг

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўрилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишга, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишга;

молия вазири Т.А. Ишметов аграр соҳани молиялаштиришда юзага келадиган тақчилликни қоплаш учун зарур маблағларни бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан ўз вақтида ажратишга, шунингдек, бюджетдан қўшимча ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилишга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга-ликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 февраль,
ПФ-6179-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 26 февралдаги
ПФ-6179-сон Фармонига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига кiritилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4633-сон қарори 4-бандда:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) имтиёзли кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта хом ашёсини етиштириш харажатлари учун 14 ой муддат билан пахта хом ашёси қийматининг 50 фоизигача йиллик 8 фоиз, 60 фоизигача йиллик 10 фоиз ставкадан ошмаган миқдорда;

пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга пахта хом ашёсини етиштириш харажатларига умумий фойдаланиш муддати 22 ойгача бўлган давр билан пахта хом ашёси қийматининг 50 фоизигача йиллик 8 фоиз, 60 фоизигача йиллик 10 фоиз ставкадан ошмаган миқдорда (шундан, банк маржаси 2 фоиз) кредитлар берилади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга берилган кредитлар фақат 11 ой ўтганидан сўнг кейинги ойнинг биринчи санасигача қайтарилиши шарт. Кредитни қайтариш муддатини ҳисоблаш эса ҳар бир транш учун кредит маблағи пахта-тўқимачилик кластери ва кооперацияга келиб тушган кундан бошланади.

Бунда:

фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирлардан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларининг пахта хом ашёси етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнаклаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;»;

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштирган пахта хом ашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда:

пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан берилади, компенсация кредитнинг дастлабки 9 ойи учун тўланади;

пахта хом ашёсини харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини коплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

пахта хом ашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисмига Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда кредит фоиз ставкаси, банк маржаси ва Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади;».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 53-сон қарори 4-бандида:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги «Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 149-сон қарорида:

а) 6-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 7-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги «Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 974-сон қарори 8-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги «Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 512-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошидан «Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сон қарори билан тасдиқланган Топширилган пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича харажатларга кредит ажратиш ва якуний ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Республика хуудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 914-сон қарори 4-бандининг «а» кичик бандидан «2020 йилда» сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 26 февралдаги
ПФ–6179-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5095-сон Фармони 3, 4, 6 ва 7-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сонли Фармони)» ПФ–5304-сон Фармониغا 1-илованинг 8-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5329-сон Фармониغا 1-илова 31-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 17 октябрдаги ПФ–5206-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ–3408-сонли қарори)» ПФ–5348-сон Фармониغا илованинг 11-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПФ–5418-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3671-сонли ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ–3672-сонли қарорлари)» ПФ–5497-сон Фармонига 1-илованинг 45-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5893-сон Фармонига 1-илованинг 28-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3096-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3270-сон қарорининг 12-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги «Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 149-сон қарорига 8 ва 9-иловалар.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги ПҚ–3574-сон қарори)» 350-сон қарорига илованинг 7-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги «Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 959-сон қарори 7-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 декабрдаги «2019 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хомашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 1037-сон қарорига 14-илова.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ–4453-сон қарори)» 1032-сон қарорига илованинг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**76** **Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, соҳада рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, бунинг асосида янги иш ўринларини яратиш ва ёш мутахассисларни тайёрлаш ҳисобига кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Марказий банк ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг 2023 йил 1 мартга қадар заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металлларини тўғридан-тўғри шартнома асосида ёки кечиктириб тўлаш шarti билан сотиш тартибини жорий қилиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Белгилансинки:

қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмаси доирасида «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ томонидан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга қимматбаҳо металллар кейинчалик хом ашё кўринишида қайта сотиш ҳуқуқисиз тўғридан-тўғри шартнома асосида ёки товар-хом ашё биржаси орқали нархнинг 15 фоизлик аванс тўловини амалга оширган ҳолда 180 кунга кечиктириб тўлаш шarti билан сотилади;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо металлларни тўғридан-тўғри шартнома асосида сотиб олиш учун «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖга қимматбаҳо металлларга бўлган эҳтиёжини кўрсатган ҳолда мурожаат қилади;

заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар товар-хом ашё биржаси орқали 180 кунга кечиктириб тўлаш шarti билан олинган қимматбаҳо металллар учун тўловни кафолатлаш мақсадида «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ билан келишилган ҳолда «Ўзмиллийбанк» АЖ кафолатини тақдим этади;

«Ўзмиллийбанк» АЖ товар-хом ашё биржаси орқали 180 кунга кечиктириб тўлаш шarti билан сотилган қимматбаҳо металллар учун банк кафолатини шартнома суммасининг 85 фоизгача (85 фоизи ҳам киради) миқдорда йиллик 2 фоизгача комиссия ундирган ҳолда тақдим этади;

сотиладиган қимматбаҳо металл бўйича «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ билан ҳисобкитоблар тўлов кунидаги Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг эрта-лабки фиксинг нархи ва Марказий банкнинг курсидан келиб чиқиб амалга оширилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 февралда эълон қилинган.

марварид, олмос ва қимматбаҳо тошларга импорт божхона божлари солинмайди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-иловининг 7101 — 7104 ТИФ ТН позициялари).

2. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йилда кечиктириб тўлаш шarti билан сотиш учун зарур ҳажмдаги қимматбаҳо металллар «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ томонидан биржа савдолари орқали ва тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиладиган қимматбаҳо металллар ҳажми доирасида ажратилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Марказий банк ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси билан биргаликда 2022 ва 2023 йиллар учун Қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқариш бўйича давлат буюртмасини шакллантиришда кечиктириб тўлаш шarti билан сотиш учун зарур ҳажмдаги қимматбаҳо металллар ажратилишини назарда тутсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) заргарлик буюмларига асиллик даражаси тамғаси ва ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси механик (зарб) ёки лазер усуллари ёрдамида туширишга рухсат этилади. Бунда заргарлик буюмларига лазер усуллари ёрдамида туширилган шахсий тамғанинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ишлаб чиқарувчининг зиммасига юкланади;

б) заргарлик буюмларига асиллик даражаси тамғаси ва ишлаб чиқарувчининг шахсий тамғаси билан тамғалаш усули заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан мустақил белгиланади;

в) аффинаж фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ўзлари ишлаб чиқарган ўлчовли ёмбиларни жисмоний ва юридик шахсларга сотишга рухсат берилади. Бунда, ёмбиларни сотиш нархи ҳисоб-китоб амалга оширилган санадаги Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг эрталабки фиксинг нархи ва Марказий банкнинг курсидан кам бўлмаган миқдорда ишлаб чиқарувчи томонидан мустақил белгиланади;

г) қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо (ярим қимматбаҳо) тошлардан ясалган заргарлик буюмларини ички ва ташқи бозорларда электрон тижорат орқали сотишга рухсат берилади;

д) қуйидаги ҳолларда қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширувчи шахслар томонидан миждозни, унинг вакилини ва бенефициар мулкдорни текшириш (улардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, таъсис ҳужжатлари ва бошқа маълумотларни сўраб олиш) талаб этилмайди:

нақд пулда ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилганда операциянинг умумий суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 600 бараваридан ошмаган тақдирда;

операциянинг умумий суммасидан қатъи назар, ўзаро ҳисоб-китоб нақд пулсиз ва жисмоний шахсларнинг пластик карталари орқали амалга оширилганда.

Бунда, мижоз, унинг вакили ва бенефициар мулкдорнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида асосланган шубҳалар мавжуд бўлган ҳолатларда операциянинг суммаси ва тўлов шаклидан қатъи назар, мижозни, унинг вакилини ва бенефициар мулкдорни текшириш чоралари кўрилиши лозим.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни молиявий манба билан таъминлаш мақсадида кейинчалик микрокредитлар ажратиш учун «Ўзмиллийбанк» АЖга 30 млн АҚШ доллари эквивалентида 7 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида маблағ йўналтирсин.

5. Белгилансинки, «Ўзмиллийбанк» АЖ томонидан мазкур қарорнинг 4-бандида белгиланган маблағлар ҳисобидан заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлари ва хом ашё харид қилиш, айланма маблағларини тўлдириш мақсадида қуйидаги шартларда микрокредитлар ажратилади:

300 миллион сўмгача бўлган миқдорда 3 йил муддатга, 6 ойгача имтиёзли давр билан;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси билан биргаликда:

«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг асосланган буюртмаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларида ҳамда «устоз-шогирд» услубида заргарлик соҳасида талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича замонавий кўникмалар асосида ёшлар учун ўқув курслар ташкил этилишини;

заргарлик соҳасидаги замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланишга ўргатиш жараёнларига ишлаб чиқарувчи ташкилотлар вакиллари ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга малакали мутахассислар жалб этилишини таъминласин.

7. 2021 — 2023 йилларда заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш, ёш мутахассисларни тайёрлаш ва яратиладиган янги иш ўринларининг мақсадли параметрлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси ушбу бандда назарда тутилган мақсадли параметрларга тўлиқ ва ўз вақтида эришилиши бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар Солиқ кодексига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

қимматбаҳо металлларни ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган парчаларни ва чиқиндиларни, қимматбаҳо металлларнинг ўлчов пластиналари ва гранулалари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича айланмани қўшилган қиймат солиғидан озод этиш;

2023 йил 1 мартга қадар «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларга «Хунарманд» уюшмаси аъзолари учун берилган солиқ имтиёзларини татиқ этиш.

9. Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари Бухоро, Самарқанд, Наманган ва Қўқон шаҳарлари ҳудудларида жойлашган йирик бозорларнинг заргарлик буюмларини чакана сотишга ихтисослашган савдо расталари ўрнида миллий бренд асосида ишлаб чиқариладиган заргарлик буюмларининг замонавий кўргазма-савдо дўконлари ва заргарлик савдо-ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон миллий заргарлик брендини жаҳонга танитиш мақсадида 2021 йилда Дубай (БАА) шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган «World Expo — 2021», кейинчалик хорижий давлатларда ташкил этиладиган барча нуфузли кўргазмалар доирасида заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари намойиш этилишини ташкил этсин.

11. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация қилинади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган компенсация беришнинг вақтинчалик тартибини тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 февраль,
ПҚ-4998-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 22 февралдаги
ПҚ-4998-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий
фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф
жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илованинг рус тили матнида:

«7101», «7102», «7103» ва «7104» позицияларининг «Ставка пошлины (в % от таможенной стоимости товара или в долларах США за ед. изм.)» устунидаги «10» рақами «*» белгиси билан тўлдирилсин;

«7210 49 000 0» ва «7210 70 800 0» позицияларининг «Ставка пошлины (в % от таможенной стоимости товара или в долларах США за ед. изм.)» устунидаги «10*» сўзлари «10**» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳ қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«* Ставка импортной таможенной пошлины до 1 марта 2023 года включительно составляет 0 процентов;

** Ставка импортной таможенной пошлины до 30 июня 2020 года включительно составляет 0 процентов.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**77 Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишлари-
ни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-
сида***

Соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш ва ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тартиб-тамоийилларни қисқартириш, аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт ходимларининг иш самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган рақамли трансформация қилиш дастурларини самарали амалга ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонаси негизида Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида «IT-Med» масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда — «IT-Med» МЧЖ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, «IT-Med» МЧЖ «Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУКнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вояга еттирилган ҳисобланади.

2. «IT-Med» МЧЖ зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин: соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни оптималлаштириш, рационаллаштириш, стандартлаштириш ва автоматлаштириш; соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимларини ривожлантириш учун амалга ошириладиган ҳамда халқаро молия ташкилотлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий параметрлари, концепциялари ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш; тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ахборот технологияси ва коммуникациялари сиёсати ва стандартларини жорий этиш;

«Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараён ва IT-реинжинирингини ривожлантириш ва ушбу йўналишда халқаро тажрибани амалиётга татбиқ этиш;

қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида инвесторлар, бизнес ҳамкорлар ва аутсорсинг хизматларини жалб қилиш;

тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида қамраб олувчи соғлиқни сақлашнинг ахборот тизими ягона платформаси (кейинги ўринларда — Ягона платформа)ни жорий этиш.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 февралда эълон қилинган.

Бунда, «IT-Med» МЧЖ мустақил равишда хўжалик ва молиявий масалаларни ҳал қилиши инobatга олинсин.

3. Қўйидагилар «IT-Med» МЧЖнинг фаолиятини асосий молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

янги ахборот тизимларини жорий қилиш, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларга хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

«IT-Med» МЧЖнинг устав жамғармасига белгиланган тартибда киритиладиган инвесторлар маблағлари;

халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари;

ташқи беғараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар);

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хайрия маблағлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. «IT-Med» МЧЖга:

соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш, жорий қилиш, кузатиш ва хизмат кўрсатиш вазифаларини тегишли ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширишга;

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартнома асосида молиялаштириладиган вақтинчалик меҳнат жамоасини шакллантиришга;

юкланган вазифаларни амалга ошириш доирасида малакали мутахассисларни, шу жумладан чет эллик мутахассисларни маслаҳатчи сифатида тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилишга рухсат берилсин.

5. Белгилансинки:

2024 йил 1 январдан бошлаб республикадаги барча тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари, шу жумладан дорихоналар мажбурий тартибда босқичма-босқич Ягона платформага уланади;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш мажбурий тарзда «IT-Med» МЧЖ билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А. Азизов:

соғлиқни сақлаш тизимига Ягона платформани ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли жорий қилиш, масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар билан жорий этилаётган лойиҳаларни мувофиқлаштириш, амалга оширилган ишлар ҳолатини баҳолаш ҳамда мунтазам равишда соғлиқни сақлаш ва бошқа тизимлардаги раҳбар ва улар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг рақамлаштирилишига инвесторларни жалб қилсин;

2023 йил 1 январга қадар аҳоли ва тизим фойдаланувчилари томонидан интерактив тиббий хизматларни олиш имконини берувчи махсус дастур ва мобил иловаларни ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.

Ушбу бандда назарда тутилган вазифаларни тўлақонли ва самарали

амалга ошириш соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А. Азизов иш фаолияти натижадорлигининг асосий мезонларидан (КРІ) бири этиб белгилансин.

7. «IT-Med» МЧЖ Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 4-уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 февраль,
ПҚ-5000-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 23 февралдаги
ПҚ-5000-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4055-сон қарорида:

а) 3-банд «б» кичик бандидаги «давлат унитар корхонаси шаклида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказини (кейинги ўринларда — Марказ)» сўзлари «IT-Med» масъулияти чекланган жамиятини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банд «б» кичик банди биринчи хатбошидаги «Марказнинг» сўзи «IT-Med» масъулияти чекланган жамиятининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4847-сон қарорида:

а) 6-банд «б» кичик банди бешинчи хатбошисидан «ва рақамлаштириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада:

«Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУК» блоки «IT-Med» масъулияти чекланган жамияти» блоки билан алмаштирилсин;

«Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни лойиҳалаштириш ва рақамлаштириш маркази» блокидан «ва рақамлаштириш» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 2-иловадаги «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУК» блоки «IT-Med» масъулияти чекланган жамияти» блоки билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

78 Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини унинг устувор йўналишлари ва тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳар уч йилда тасдиқландиган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантириш стратегиялари орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ри-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 февралда эълон қилинган.

вожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Стратегия мамлакатнинг сув ресурсларини барқарор бошқариш ва ирригация секторини такомиллаштиришни қамраб оладиган бир қатор инфратузилмавий, сиёсий, институционал ва салоҳиятни ривожлантириш чораларини ўз ичига олади, унинг доирасида:

ирригация тизими каналларининг бетон қопламали қисми 35 фоиздан 38 фоизгача ошиши, ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,63 дан 0,66 гача ошиши;

сув таъминоти даражаси паст бўлган суғориладиган майдонлар 526 минг гектардан 424 минг гектаргача камайтирилиши;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларидаги 518 та насос агрегати ва 807 та электродвигатель замонавий энергия тежамкорларига алмаштирилиши, уларнинг йиллик электр энергияси истеъмоли 7,6 млрд кВт.сдан 7,15 млрд кВт.с гача камайтирилиши;

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш 308 минг гектардан 1,1 млн гектаргача, шу жумладан томчилатиб суғориш технологияси 121 минг гектардан 822 минг гектаргача етказилиши;

шўрланган майдонлар 1 926 минг гектардан 1 888 минг гектарга, шу жумладан ўртача ва кучли даражада шўрланган ерлар 581 минг гектардан 532 минг гектаргача қисқартирилиши;

ер ости сув сатҳи муаммоли ҳолатда (0 — 2 метр) бўлган суғориладиган ер майдонлари 988 минг гектардан 900 минг гектаргача камайтирилиши; қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган жами 232 минг гектар суғориладиган ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилиши;

дарё ва сойларда 6 та гидрологик пост қурилиши ва қайта тикланиши, 6 та гидрологик пост рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланиши;

«Smart Water» («Ақлли сув») рақамли технологияси асосида сувнинг ҳисоби юритиладиган сув хўжалиги объеклари сони 18 576 тагача етказилиши;

60 та йирик сув хўжалиги объекти рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилиши;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги 1 688 та насос станциясидаги 5 231 та насос агрегатининг электр энергияси истеъмоли ва сув сарфи ҳисобининг мониторинги «онлайн» режимда олиб борилиши;

мавжуд мелиоратив кузатув қудуқларининг 2 100 тасида рақамли технологиялар орқали мониторинг олиб борилиши;

сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида жами 124 та лойиҳа амалга оширилиши, суғориш учун сув етказиб бериш харажатларининг 9 фоизи сув истеъмолчилари томонидан қопланиши таъминланади.

3. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда маз-

кур қарор билан тасдиқланган Стратегия ва унда белгиланган тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев икки ҳафта муддатда мазкур қарор доирасида 2021 йил учун назарда тутилган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Қ.Х. Тапаров), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Стратегияга 2 ва 13-иловаларга кўра амалга ошириладиган тадбирлар келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш жараёнида инobatга олинишини;

Стратегияга 1-1а, 3 — 6, 8 — 10, 12, 14 ва 17-иловаларга кўра 2021 — 2023 йиллар учун белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар қўшимча равишда ажратилиши келгуси йиллар Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

5. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Стратегияга 2, 3, 13 ва 14-иловаларга мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари доирасида ирригация-мелиорация тадбирларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялар қўлланилишини назарда тутсин;

ирригация-мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш ишларига маҳаллий пудрат ташкилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.

6. 2021 йил 1 октябрга қадар этилен полимерлари (ТИФ ТН коди 3901) ва пропилен полимерларини (ТИФ ТН коди 3902) олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси белгилансин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш. Кудратов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов) ва Энергетика вазирлиги (Ш.Х. Ҳоджаев) билан биргаликда республикада ишлаб чиқарилаётган полиэтилен маҳсулотининг экспортини 40 минг тоннага қисқартириш эвазига унинг ички бозорда биржа савдолари орқали сотилаётган қисмини ошириш чораларини кўрсин.

8. «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ (З.Б. Бадриддинов) полиэтилен ва полипропилен маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларни биржа савдоларига жалб қилиш чораларини кўрсин.

Бунда, «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖга ушбу бандда назарда тутилган маҳсулотларни биржа орқали сотувчи хорижий компаниялар (норезидент) учун савдоларга қатнашишда закат суммасини киритиш талабини бекор қилиш ҳамда биржа комиссияни йиғимларидан озод қилиш тавсия этилсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д. Вахабов) Бош прокуратура (Ш.Ж. Рахимов), Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев) ва Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда сув танқислиги шароитида экинларни қўллаиб суғориш ва сувни зовурга ташлаб қўйишнинг ҳар бир ҳолатини фавқулдда ҳолат сифатида баҳолаб, сувдан мақсадли ва тежамли фойдаланиш, сув истеъмоли тартибига қатъий риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганларга нисбатан кескин чоралар кўриб борсин.

10. Белгилансинки, 2021 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ҳар йили суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни таъмирлаш-тиклаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

2020 йилда ташкил этилган эксперимент ижобий натижа берганлиги сабабли «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 13-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирлар доирасида объектлардаги таъмирлаш-тиклаш ишларига доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти (У.М. Мустафоев) 2021 йил 1 июлга қадар Сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги барча насос станцияларига автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатиш ишларини якунласин.

Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда сув ҳўжалиги тизими ташкилотлари ҳисобидаги юқори кучли электр подстанциялари ҳамда электр узатиш тармоқлари электр энергияси етказиб берувчи «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти балансига икки ой муддатда штат бирликлари билан бирга тегишлилиги бўйича ўтказилишини таъминласин.

12. Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (М.И. Рўзметов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А. Юлдашев) ва «Ўзбеккосмос» агентлиги (Ш.М. Қодиров) билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш, мониторинг олиб боришда ахборот-коммуникация технологиялари, геоахборот тизимлари, масофадан зондлаш технологияси ва учувчисиз учуш қурилмаларидан кенг фойдаланилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Д. Хаджаев):

Мактабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) ва Сув ҳўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан бир-

галикда аҳолининг сувни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш борасидаги ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида, оммавий ахборот воситалари орқали мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактабларида ҳамда аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил қилинишини;

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев) билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган тадбирларнинг ижроси натижасида эришиладиган ютуқларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Стратегиянинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

15. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев) Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), «Ўзгидромет» маркази (Ш.Х. Хабибуллаев), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исламов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар кейинги йилларда сув таъминоти ва сувдан фойдаланишни таҳлил қилган ҳолда 2021 йил ёзги сувориш мавсумида қутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Бош вазирнинг ўринбосари Ш.М. Фаниевга тасдиқланган ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг манзилли рўйхатларига уларнинг қиймати ва қуввати доирасида, зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

17. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Ҳамраев), «Ўзгидромет» маркази (Ш.Х. Хабибуллаев), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исламов):

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А. Юлдашев) билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар сув ва сувдан фойдаланишга доир маълумотлар базалари ҳамда мониторинг тизимларининг рақамли технологиялар асосида такомиллаштирилишини ҳамда сув ресурсларининг автоматлаштирилган идоралараро ахборот тизимининг босқичма-босқич ишга туширилишини таъминласин;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И. Максудов) билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги

ПҚ–4709-сон қарори билан тасдиқланган Божхона божларидан озод этилаётган четдан олиб кирилаётган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари, томчила-тиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари рўйхатига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

2023 йил 1 сентябрга қадар Стратегия доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган натижалар бўйича батафсил ахборотни, шунингдек, 2021 — 2023 йилларда йўл қўйилган камчиликларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 февраль,
ПҚ–5005-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 24 февралдаги
ПҚ–5005-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини
бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг
2021 — 2023 йилларга мўлжалланган
СТРАТЕГИЯСИ**

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжали-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Стратегия сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган устувор йўналишлар бўйича вазифаларни амалга ошириш ҳамда асосий мақсадли кўрсаткичлар ва индикаторларга эришишга қаратилган.

Стратегия мамлакатнинг сув ресурсларини барқарор бошқариш ва ирригация секторини такомиллаштиришни қамраб оладиган бир қатор инфратузилмавий, сиёсий, институционал ва салоҳиятни ривожлантириш чораларини, шунингдек, 2021 — 2023 йилларда мамлакатда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

I. Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш тадбирлари

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича вазифаларни амалга ошириш учун Стратегия доирасида 2021 — 2023 йиллар даврида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1.1. Сув ресурсларини прогностлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш бўйича:

а) дарё ва сойларда жойлашган жами 6 та, шу жумладан, 2021 йилда 2 та, 2022 йилда 2 та, 2023 йилда 2 та гидрологик пост қурилади ва қайта тикланади (1-илова*);

б) дарё ва сойларда жойлашган жами 6 та, шу жумладан, 2021 йилда 2 та, 2022 йилда 2 та, 2023 йилда 2 та гидрологик пост рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланади (1а-илова*);

в) сув ресурслари ҳисобини юритиш такомиллаштирилади ҳамда сув хўжалиги ахборот-бошқарув миллий тизими ва сув ресурслари бўйича шаффоф ахборот тизими, жумладан, сув хўжалиги бўйича барча дастурий таъминотлар интеграция қилинган ҳолда вазиятлар марказининг ахборот тизими яратилади;

г) идоралараро ҳамкорлик ва реал вақт режимда маълумотлар алмашишни қўллаб-қувватлаш ҳамда салоҳиятни ошириш бўйича дастурлар ва йўриқномалар ишлаб чиқилади;

д) Давлат сув кадастри объектлари учун сув ресурсларини таснифлаш ва идентификациялаш бўйича ягона стандарт қайта кўриб чиқилади ва 2021 йил якунигача амалиётга жорий этилади;

* 1-1а-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

е) сув ресурсларини режалаштириш ва бошқаришни, шунингдек, асосий дарёлар сув оқимлари ўзгариши, жумладан, тошқинлар ва қурғоқчилик ҳақида огоҳлантирувчи тизимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

келгусида иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда 2021 йилда прогнозлаш салоҳиятини ошириш устида тадқиқот олиб бориш бўйича техник талаблар ишлаб чиқилади, экспертлар жамоаси шакллантирилиб, ҳаракатлар режаси тайёрланади;

2022 йилда янги прогнозлаш тизими йўлга қўйилади, 2023 йилда прогнозлаш ва огоҳлантириш тизимларига янгиликлар жорий этилади.

1.2. Сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, йирик сув хўжалиги объектларининг рақамли технологиялар асосида бошқарилишини ташкил этиш, жумладан, иқлим ўзгарувчанлигига жавоб бериш учун кўпроқ мослашувчанлик, ресурс тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича:

а) сув хўжалиги объектларини реконструкция ва модернизация қилиш, йирик сув хўжалиги объектлари рақамли технологиялар асосида бошқарилишини ташкил этиш, ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий қилиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ҳамда ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш доирасида:

янада самарали, тежамкор ва барқарор инфратузилма лойиҳаларни режалаштириш, шакллантириш ҳамда назорат қилиш юзасидан қўйидаги замонавий ёндашувлар жорий этилади:

2021 йилда янги йўриқномани тайёрлаш бўйича техник талаблар ишлаб чиқилади, лойиҳалаштириш ва назорат бўйича янги стандартлар ишлаб чиқилади, синов текширувлари ўтказилади, суғориш тизимининг барча даражаларида самарадорликни мақбуллаштиришга эътибор қаратилади;

2022 йилда лойиҳалаштириш ва лойиҳа назорати бўйича янги стандартлар қабул қилинади ҳамда назорат қилишнинг янги усуллари амалиётга жорий қилинади;

2023 йилда янги стандартлар ва тизимларни амалда қўллаш бўйича салоҳият шакллантирилади;

инфратузилмани модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилади (2-илова*):

жами 1 758,1 км узунликда, шу жумладан, 2021 йилда 384,6 км, 2022 йилда 639,4 км, 2023 йилда 734,2 км ирригация тизими каналлари ва суғориш тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади;

жами 143 та, шу жумладан, 2021 йилда 23 та, 2022 йилда 40 та, 2023 йилда 80 та гидроузел ва бошқа йирик гидротехника иншоотлари қурилади ва реконструкция қилинади;

жами узунлиги 443,5 км, шу жумладан, 2021 йилда 125,7 км, 2022 йил-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

да 151 км, 2023 йилда 166,7 км лотокли суғориш тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади;

жами узунлиги 15 636 км ирригация тизими каналлари, 14 627 та гидротехника иншооти ва 14 955 та гидрост таъмирланади ва тикланади (3-илова*);

б) Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларнинг энергия самарадорлигини ошириш, углерод чиқиндиларини ва фойдаланиш харажатларини камайтириш, шунингдек, насосларнинг фойдали иш коэффициенти-ни ошириш юзасидан:

жами қуввати 49,5 куб м/с бўлган насос станциялар, шу жумладан, 2021 йилда 17,5 куб м/с, 2022 йилда 10,7 куб м/с, 2023 йилда 21,3 куб м/с бўлган насос станциялар қурилади ва реконструкция қилинади (2-илова);

насос станциялардаги жами 84,6 км, шу жумладан, 2021 йилда 10,0 км, 2022 йилда 32,9 км, 2023 йилда 41,7 км узунликдаги босимли қувурлар қурилади ва реконструкция қилинади (2-илова);

жами 518 та, шу жумладан, 2021 йилда 163 та, 2022 йилда 181 та, 2023 йилда 174 та эскирган насос агрегатлари янгиланади (4-илова*);

насос станцияларида жами 807 та, шу жумладан, 2021 йилда 219 та, 2022 йилда 354 та, 2023 йилда 234 та эскирган электродвигателлар янгиланади, шунингдек, трансформаторлар ҳамда уларнинг бошқарув тизими энергияни тежайдиган ускуналарга алмаштирилади ва қуёш батареяларидан фойдаланиш йўлга қўйилади (5-илова*);

2021 йилда 1 688 та насос станцияларида рақамли технология асосида сувни «онлайн» режимида мониторингини олиб бориш ускуналари ўрнатилади (6-илова*);

сув хўжалиги объектларида хорижий молия институтлари ва халқаро молия ташкилотлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида жами 696,7 млн АҚШ доллари, шу жумладан, 2021 йилда 211,2 млн АҚШ доллари 2022 йилда 230,7 млн АҚШ доллари, 2023 йилда 254,8 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит ўзлаштирилиши таъминланади (7-илова*);

насос станцияларида қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва баҳолаш учун 2021 йилда тадқиқотлар олиб борилади;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 7,6 млрд кВт.с.дан 2021 йилда 7,3 млрд кВт.с.гача, 2022 йилда 7,25 млрд кВт.с.гача, 2023 йилда 7,15 млрд кВт.с.гача камайтиради.

1.3. Сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш бўйича:

а) сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларини антропоген, техноген ва табиий омиллар таъсиридан муҳофаза қилиш, уларнинг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш бўйича жами 12 та, шу жумладан, 2021 йилда 5 та, 2022 йилда 3 та, 2023 йилда 4 та сув омборлари ва бошқа йирик гидротехник иншоотларда назорат-ўлчаш ускуналари ҳамда хабар бериш ва маълумот (ахборот) ет-

* 3 — 7-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

казишнинг автоматлаштирилган тизимлари модернизация қилинади, тикланади ва янгиланади;

б) 2021 йилда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш учун янгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича йирик тўғонлар бўйича халқаро комиссиянинг техник регламентлари ва тавсияларини Ўзбекистонда қўллаш ва имплементация қилиш юзасидан таклифлар тайёрланади;

в) йирик гидротехника иншоотларида хавфсизлик кўрсаткичларини масофадан туриб мониторинг қилиш бўйича салоҳият оширилади, автоматлаштирилган назорат тизимлари жорий этилади ҳамда интеграциялашган оғохлантириш тизими йўлга қўйилади;

г) сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланишга қабул қилиш, ишлатиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш, консервациялаш ва тугатиш бўйича халқаро стандартларни амалиётда қўллаш юзасидан таклифлар тайёрланади.

1.4. Сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда «Smart Water» («Ақлли сув») ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш устувор йўналиши бўйича:

а) сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳисобини юритишда «Smart Water» («Ақлли сув») ва шу каби рақамли технологияларни жорий қилиш юзасидан:

барча сув ресурсларини назорат қилиш ва ҳисобини юритишда, сувдан фойдаланишни режалаштириш ва сувнинг тезкор бошқарувини ташкил этишда «Smart Water» («Ақлли сув») технологияси босқичма-босқич жорий этилади. Бунда жами 18 576 та, шу жумладан, 2021 йилда 3 099 та, 2022 йилда 4 540 та, 2023 йилда 10 937 та сув хўжалиги объектида рақамли технология асосида сувнинг ҳисобини юритиш мониторинг тизими йўлга қўйилади (8-илова*);

жами 6 172 та, шу жумладан, 2021 йилда 2 022 та, 2022 йилда 2 050 та, 2023 йилда 2 100 та мелиоратив кузатув қудуқлари автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказилади (9-илова*);

жами 60 та, шу жумладан, 2021 йилда 20 та, 2022 йилда 20 та, 2023 йилда 20 та йирик сув хўжалиги объектларида сув хўжалиги объектларини бошқариш рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилади (10-илова*);

б) тизимнинг турли даражаларида суғориш тизимларини бошқариш салоҳиятини ошириш юзасидан:

2021 йил якунига қадар халқаро тажриба, қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот институтлари томонидан тақдим этилган натижалар ҳамда сувни тежайдиган технологияларни босқичма-босқич жорий қилиш ва келгусида иқлим ўзгариши таъсирини эътиборга олиб, турли тупроқ ва иқлим шароитлари учун сувга бўлган талаб, экспортбоп қишлоқ хўжалиги экин-

* 8 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларини танлаш ва уларни етиштириш бўйича фермер хўжаликлари, кластер ташкилотлари, кооперациялар, сув истеъмолчилари уюшмалари ҳамда сув хўжалиги ташкилотларига мўлжалланган йўриқномалар ишлаб чиқилади;

суғориш минтақалари учун янгиланган сув ҳуқуқлари тизими жорий этилади, 2022 йилгача сувни мавсумий тақсимлаш ва режалаштириш тартиби такомиллаштирилади, шу жумладан, сув ресурсининг ўзгарувчанлиги ва қурғоқчилик шароитида сувни самарали бошқариш бўйича чора-тадбирлар, шунингдек, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш учун сув олиш лимитининг юқори чегаралари белгиланади.

1.5. Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишни янада кенгайтиришни рағбатлантириб бориш, ушбу соҳага хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш бўйича:

а) 2021 йил якунига қадар сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилишни турли тупроқ шароити ва экин турлари, агротехник тадбирлар ҳамда молиявий имкониятларни эътиборга олган ҳолда тарғиб қилиш бўйича қўлланмалар тайёрланади ва ўқув семинарлари ўтказилади;

б) қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш 308 минг гектардан 2021 йилда 538 минг гектарга, 2022 йилда 798 минг гектарга, 2023 йилда 1,1 миллион гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияси 121 минг гектардан 2021 йилда 332 минг гектаргача, 2022 йилда 562 минг гектаргача ва 2023 йилга келиб 822 минг гектаргача етказилади (11-илова*);

в) масофадан туриб зондлаш, геоахборот тизимлари (GIS) ва учувчисиз учиш қурилмалари каби замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда суғориладиган майдонларда сувдан фойдаланиш самарадорлиги бўйича такомиллаштирилган мониторинг ва ҳисобот тизими яратилади.

1.6. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини оширишга кўмаклашиш, тупроқнинг шўрланиш даражасини пасайтириш ва олдини олиш бўйича самарали технологияларни қўллаш бўйича:

а) қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган жами 232 минг гектар, шу жумладан, 2021 йилда 140 минг гектар, 2022 йилда 50 минг гектар, 2023 йилда 42 минг гектар суғориладиган ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилади (12-илова*);

б) суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича самарали технологияларни қўллаш билан боғлиқ қўйидаги тадбирлар назарда тутилади:

жами 1 889,2 км, шу жумладан, 2021 йилда 580,4 км, 2022 йилда 658,9 км, 2023 йилда 656,9 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади (13-илова*);

жами 45 595 км, шу жумладан, 2021 йилда 14 867 км, 2022 йилда

* 11 — 13-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15 133 км, 2023 йилда 15 595 км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тизимли таъмирланади ва тикланади (14-илова*);

в) 2021 йил якунига қадар шўрланган майдонларни камайтириш ҳамда такомиллаштирилган агротехник тадбирлар, шу жумладан, илғор хорижий тажриба ва замонавий ёндашувлар асосида тузга чидамли экинларни етиштириш орқали шўрланиш оқибатларини юмшатиш, шунингдек, шўр ювиш ишларини такомиллаштиришга қаратилган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади. Бунда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги мелиоратив экспедицияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг салоҳиятини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш бўйича тадбирлар назарда тутилади.

1.7. Сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларини, жумладан, суғориш сувини етказиш харажатларининг бир қисмини босқичма-босқич сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тизимини жорий қилиш, тушган маблағларни сув хўжалиги объектларини ўз вақтида сифатли таъмирлаш-тиклашга, рақамли технологияларни жорий қилиш ҳамда самарали бошқаришга йўналтириш бўйича:

а) Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги «Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сувни етказиб бериш бўйича харажатларни қоплаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 310-сон қарорига асосан, сув ресурсларини бошқариш соҳасида бозор механизмларини жорий этиш ҳамда сув етказиб бериш харажатларининг бир қисми сув истеъмолчилари томонидан қопланиши орқали сув хўжалигига ажратилаётган бюджет маблағлари улуши 2021 йилда 3 фоизга, 2022 йилда 6 фоизга, 2023 йилда 9 фоизгача камайтирилади;

б) сувни истеъмол қилиш ҳажмига қараб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини ҳисоблашнинг янги методикасини ишлаб чиқиш, шунингдек, сув етказиб бериш харажатларини ва ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ставкаларни белгилаш. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари сув етказиб бериш харажати, шунингдек, турли тоифадаги сув истеъмолчиларининг саноат ва технологик хусусиятларини, шу жумладан, қайтариб ташланадиган сувнинг сифатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

в) 2021 йилда сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатация харажатларини қоплаш бўйича хорижий илғор тажрибани ва Ўзбекистонда мавжуд тизимни комплекс таҳлил қилиб, харажатларнинг бир қисми сув истеъмолчилари томонидан қопланиши бўйича ислохотлар ўтказиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

1.8. Сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик ва аутсорсингни жорий этиш, алоҳида сув хўжалиги объектларини фермер хўжаликлари, кластер ва бошқа ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳамда тежалган маблағларни сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтириш бўйича:

* 14-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2022 йилгача сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда — ДХШ) лойиҳалари билан боғлиқ бўлган қулай муҳит, мезонлар ва шартномавий муносабатлар, шу жумладан, ДХШ хусусий шерикларини танлаш мезонлари ва тегишли текширув тартиблари кўриб чиқилади ва сув хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган ДХШ лойиҳалари учун қўлланма ишлаб чиқилади;

ирригацияни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида жами 124 та, шу жумладан, 2021 йилда 30 та, 2022 йилда 42 та ва 2023 йилда 52 та лойиҳа амалга оширилади (15-илова*);

сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда аутсорсинг шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш натижасида тежалган бюджет маблағлари сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, сув хўжалиги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилади;

сув ресурсларини бошқариш функцияларининг бир қисмини аниқ мажбуриятлар, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий адолат ва атроф-муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга асосланган аниқ белгиланган мезон ва тамойилларга мувофиқ бошқариш учун сув истеъмолчиларига (фермер ва деҳқон хўжаликлари гуруҳлари, кластерлар ва бошқалар) бериш методологияси 2021 йилнинг биринчи чораги давомида ишлаб чиқилади.

1.9. Сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш тамойилларини жорий қилиш, аҳолини ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаш, сувнинг сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш устувор йўналиши бўйича:

а) 2021 йилнинг биринчи чорагида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилади;

б) сув хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини бошқариш, сувдан самарали фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш бўйича самарали механизмларни, жумладан, сув хўжалигига алоқадор вазирликлар ва идоралар ҳамда сув хўжалиги ташкилотларининг функциялари, роли ва мажбуриятларини, шунингдек, манфаатдор томонларнинг кенг иштироки тўғрисидаги қоидаларни жорий этиш мақсадида 2022 йилнинг якунига қадар Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилади;

в) сувга бўлган эҳтиёж келгусидаги ўзгаришларни, шу жумладан, иқлим ва иқтисодий ўсишни келтириб чиқарадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда давлат, ҳудуд ва сув ҳавзалари даражасида иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳит учун сувдан фойдаланишнинг устуворлигидан келиб чиқиб белгиланади;

г) аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари, шу жумладан, коммунал фойдаланиш, саноат, экологик мувозанатни тиклаш ва қишлоқ хўжалиги учун уларнинг устуворлигидан келиб чиқиб сув олиш лимитлари белгиланади;

д) 2022 йилга қадар сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш

* 15-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва бошқариш тизими аҳолини сув билан кафолатли таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг устуворлиги, сувнинг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни таъминлаш, сув танқислиги ва манбалардаги сув сарфининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб тақомиллаштирилади;

е) 2021 йилда сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш ҳамда халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатларнинг, шунингдек, бошқа донорларнинг техник ёрдами билан рағбатлантириш бўйича ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилади ва амалга оширилади;

ж) 2021 йилда Сув хўжалиги вазирлигида барча сув ресурсларини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланишни режалаштириш ва интеграллашган ҳолда бошқариш бўйича ягона миллий марказ ташкил этилади.

1.10. Трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини ва сувдан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда илгари суриш устувор йўналиши бўйича:

а) Марказий Осиё мамлакатлари манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган минтақанинг трансчегаравий сув ресурсларини биргаликда бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмлари ишлаб чиқилади;

б) Стратегияни амалга ошириш даврида Амударё, Сирдарё ва бошқа трансчегаравий дарёларда мониторинг тизимини тақомиллаштириш, ҳамкорликда сувни назорат қилиш ва мониторингини юритиш ҳамда очиқ маълумотлар алмашиш тизимини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланади;

в) минтақа давлатлари томонидан йирик гидротехника иншоотларини қуриш бўйича ўзаро мақбул механизмлар ишлаб чиқилади;

г) минтақавий сув ресурсларини бошқариш бўйича қўшма режаларни ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш, шу жумладан, минтақа миқёсида иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш юзасидан таклифлар тайёрланади.

1.11. Сув хўжалиги соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш, ходимларнинг малакасини ошириш тизимини тақомиллаштириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илм-фан ютуқлари ва ноу-хауларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш устувор йўналиши бўйича:

а) сув ресурсларини бошқаришнинг ҳозирги муаммоларига жавоб берадиган замонавий ўқув тизимлари жорий этилади, олий маълумотли сув хўжалиги ходимлари улуши 42 фоиздан 2021 йилда 47 фоизга, 2022 йилда 47,5 фоизга, 2023 йилда 48 фоизга етказилади (16-илова*);

б) сув хўжалиги тизими ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлашни республикадаги ўртача даражага етказиш орқали соҳада кадрлар қўнимсиз-

* 16-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лигининг олдини олиш чоралари кўрилади. Бунда сув хўжалиги ходимларининг ойлик иш ҳақи республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2021 йилда 85 фоизга, 2022 йилда 90 фоизга, 2023 йилда 95 фоизга етказилади;

в) Стратегияни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва сув хўжалиги соҳасидаги муҳим муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган ва амалий илмий-тадқиқот ишлари, жумладан, сув хўжалиги соҳасида жами 87 та илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда илмий ютуқлар ва ноу-хаулар амалиётга жорий қилинади (17-илова*);

г) таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг салоҳиятини ошириш ҳамда замонавий, самарали, шунингдек, барқарор ёндашувларни сув ресурсларини интеграциялашган бошқаришга жорий этишни ҳамда лойиҳалаштириш ва эксплуатация жараёнларида иқлим ўзгаришларига бардошли чораларни қўллаш салоҳиятини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўқув ва малака ошириш курслари ташкил этилади. Бунда хотин-қизлар иштирокини рағбатлантиришга ва гендер тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

II. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегияни амалга ошириш натижасида 2023 йилгача қуйидаги мақсадларга эришиш кутилмоқда (18-илова*):

2.1. Сув хўжалиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича:

а) 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, бунда: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини аниқ белгилаш; сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сувни тежайдиган суғориш технологияларини, шунингдек, сувни бошқаришда инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш юзасидан масъулиятини ошириш;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, фаолиятини тубдан ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ролини ошириш ва ваколатларини кенгайтириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, сув истеъмолчилари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини жорий этиш;

юрidik ва жисмоний шахслар ўртасидаги сувга доир шартномавий муносабатларни янада такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш;

қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланишни ва сув ис-

* 17-18-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

теъмолини режалаштириш, сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш ҳамда сув олиш лимитларини белгилаш тартибини такомиллаштириш;

сувларни ва сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ишларини кучайтириш;

балиқчилик хўжалиги ва балиқ овлаш хўжалиги сув ҳавзаларидан ёки балиқ овлаш участкаларидан фойдаланувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш назарда тутилади.

б) 2023 йилда сувга доир муносабатларнинг ҳуқуқий асослари илғор халқаро тажрибаларга асосан такомиллаштириладиган, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб оладиган Ўзбекистон Республикасининг Сув кодекси қабул қилинади.

2.2. Сув хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишида:

а) халқаро стандартлар ва амалиётга мувофиқ сув хўжалигини бошқариш тизимининг функционал таҳлили ўтказилади, янги бошқарув тизими ишлаб чиқилади ва жорий этилади;

б) сувни бошқариш ва ундан фойдаланиш соҳасида ҳар бир давлат органининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари аниқ белгиланади;

в) сув сиёсатини ишлаб чиқиш, сув секторини тартибга солиш ва сув хўжалиги хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ функциялар аниқ чегараланади;

г) давлат томонидан тартибга солишнинг маъмурий усулларини қўллашдан бозор иқтисодиёти тамойилларига йўналтирилган усул ва механизмларга ўтилади;

д) Ўзбекистон Республикасининг барча сув ресурсларидан фойдаланиш ва истеъмол қилишни тўлиқ қамраган ҳамда уларни аҳолининг сув таъминоти, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳит ўртасида тақсимлаган ҳолда сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш жорий қилинади;

е) Миллий кадастр маълумотлар базаси билан боғланган сув ресурсларини ҳисобга олиш, режалаштириш ва бошқаришнинг комплекс миллий тизими яратилади ҳамда маълумотларнинг очиқлиги ва мавжудлиги таъминланади.

2.3. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўналишида:

а) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини таъминлайдиган ва суғоришда сувдан самарали ва унумли фойдаланиш тамойилларига жавоб берадиган суғориш учун сув олиш лимитларининг янги тизими жорий этилади;

б) ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти 0,63 дан 0,66 гача оширилади;

в) суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини яхшилашга қаратилган режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали сув таъминоти даражаси паст бўлган суғориладиган майдонлар 526 минг гектардан 424 минг гектаргача камайтиради.

2.4. Сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва энергия самарадор технологияларни кенг жорий этиш йўналишида:

а) ирригация тизимини модернизация қилиш ва бетон қопламали каналлар улушини 35 фоиздан 38 фоизгача оширилади;

б) насос станцияларидаги 518 та насос агрегатлари ва 807 та электродвигателлар замонавий энергия тежамкорларига алмаштирилади;

в) Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 7,6 млрд кВт.сдан 7,15 млрд кВт.с гача камайтирилади.

2.5. Сувни тежайдиган замонавий технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш йўналишида суғоришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш 308 минг гектардан 1 098 минг гектаргача, шу жумладан, томчилатиб суғориш технологияси 121 минг гектардан 822 минг гектаргача етказилади.

2.6. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўналишида:

а) мелиорация тадбирларини амалга ошириш орқали жами шўрланган майдонлар 1 926 минг гектардан 1 888 минг гектарга, шу жумладан, ўртача ва кучли даражада шўрланган ерлар 581 минг гектардан 532 минг гектаргача қисқартирилади;

б) сизот сувлар сатҳи муаммоли ҳолатда (0 — 2 метр) бўлган суғориладиган ер майдонлари 988 минг гектардан 900 минг гектаргача камайтирилади;

в) қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган жами 232 минг гектар суғориладиган ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилади.

2.7. Сув хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш йўналишида:

а) суғориш сувига талабни аниқлаш, сув тақсимоли ва сувдан фойдаланиш самарадорлиги мониторингини олиб бориш, шунингдек, сувдан фойдаланиш бўйича қарорларни қабул қилишда замонавий усул ва технологиялар, шу жумладан, рақамли технологиялар ҳамда бошқа инновацион технологиялар жорий этилади;

б) дарё ва сойларда 6 та гидрологик пост рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланади;

в) «Smart Water» («Ақли сув») ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялар асосида сув ўлчаш тизими жорий этилган сув хўжалиги объеклари сони 18 576 тагача етказилади;

г) 60 та йирик сув хўжалиги объектида сувни бошқариш жараёни рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилади;

д) мавжуд мелиоратив кузатув қудуқларнинг 2 100 тасида рақамли технологиялар орқали мониторинги олиб борилади;

е) Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги 1 688 та насос станциясининг электр энергияси истеъмоли ва сув сарфи ҳисобининг мониторинги «онлайн» режимда олиб борилади.

2.8 Соҳада бозор механизмларини жорий этиш, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш йўналишида:

а) сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида жами 124 та лойиҳа амалга оширилади;

б) суғориш учун сув етказиб бериш харажатларининг 9 фоизи сув истеъмолчилари томонидан қопланиши таъминланади;

в) Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлар ходимларининг ойлик иш ҳақлари республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 95 фоизга етказилади;

г) 2021 — 2023 йилларда сув хўжалиги соҳасида жами 87 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширилиши, илмий ва инновацион потенциални ривожлантирилиши, илмий ютуқлар ва ноу-хаулар жорий қилинади;

д) сув ресурсларини бошқаришнинг ҳозирги муаммоларига жавоб берадиган замонавий ўқув тизимлари жорий этилади;

е) сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар ва бошқарув ходимларининг малакасини оширишнинг барқарор миллий тизими яратилади;

Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш тамойилларини кенг жорий қилиш йўналишида:

а) сув сифати стандартлари миллий қонунчиликда ва республиканинг экологик барқарорликка эришиш мажбуриятларида белгиланган даражада бўлишига эришилади;

б) табиий сув манбаларини ва сувга боғлиқ бўлган экотизимларни сақлаш, шу жумладан, Оролбўйи ҳудудини сув ресурслари билан барқарор таъминлаш чоралари кўрилади;

в) ер усти, ер ости ва қайтар сувларни интеграллашган ҳолда бошқаришга эришиш орқали энг аввало ичишга яроқли бўлган ер ости сувларининг стратегик захираларини асраш ва улардан барқарор фойдаланишни ташкил этиш тизими яратилади.

III. Стратегияда устувор йўналишлар бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилиши мониторингини олиб бориш

Стратегияда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш устидан тизимли мониторинг олиб бориш ва республикада ирригация секторини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклиф тайёрлаш ишлари Сув хўжалиги вазирлигида ташкил этилган Сув хўжалигини ривожлантириш ва стратегик таҳлил бошқармаси ҳамда вазирлик ҳузурида халқаро экспертлар иштирокида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Мониторинг натижалари ҳар ярим йилда Сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисларида танқидий муҳокама қилиб борилади.

Стратегияда белгиланган тадбирларнинг ижроси, эришилган натижалар ҳамда таклифлар юзасидан ҳар йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумот тақдим қилиб борилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**79 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, давлат мониторинги, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-6061-сон Фармониغا асосан:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назоратини амалга оширишда:

қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ишларини ташкил этади.

б) Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ноқонуний ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлайди;

ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ва ушбу ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморат қурилишини аниқлайди;

ер участкаси чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўради;

давлат кадастрларини юритиш тартибига риоя этилишининг назорат қилинишини таъминлайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишда давлат назоратини янада мустаҳкамлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмасида:

а) ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 25 февралда эълон қилинган.

вазирининг аграр соҳани рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари ва унга бўйсунувчи марказий аппаратдаги 16 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига:

аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосари лавозими киритилсин;

Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси ташкил қилинсин;

Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» давлат муассасаси фаолиятини мувофиқлаштириш аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосарига юклансин;

б) 2021 йил 1 мартдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни назорат қилишга доир 110 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилсин;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш, ер мониторинги, экинларни жойлаштириш ва экилишини мониторинг қилиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳисобидан қўшимча штат бирликлари киритилсин;

г) вазирлик ҳузуридаги «Мониторинг хизмати» давлат муассасаси ва вазирлик марказий аппаратидаги Ички назорат хизмати негизида 8 та штат бирлигидан иборат Ички аудит ва комплаенс-назорат бошқармаси ташкил этилсин.

3. Кадастр агентлигининг «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда — Институт) ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликлари ҳамда моддий-техника базаси, Институтнинг ҳудудий бўлинмалари балансида турган бино-иншоотлар 2021 йил 1 мартдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида ўтказилсин.

Бунда, 2023 йил 1 январга қадар:

Институт Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, «Ц» мавзесида жойлашган Кадастр агентлиги биносининг бир қисмидан;

Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари ва ташкилотлари Институтнинг ҳудудий бўлинмаларига қарашли биноларнинг бир қисмидан текин фойдаланади.

4. Қўйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 201 нафардан иборат Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган сони 5-иловага* мувофиқ;

туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 6-ба-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйдагилар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озик-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратчилари томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга асосан ундириладиган жарималарнинг 50 фоизи;

ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар бўйича ҳисобланган маблағларнинг 5 фоизи.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қўйдаги ҳуқуқлар берилсин:

қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида тўғридан-тўғри маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар расмийлаштириш ва айбдор шахсларни жаримага тортиш;

тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ўрганиш ишларини, шунингдек, экинларни хатловдан ўтказиш ва ўлчаш, уларнинг норматив қийматини аниқлаш, ерлардан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш ҳамда геоботаник ва тупроқтадқиқот ишларини Текширувларни электрон рўйхатга олишнинг ягона тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолатини, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехник тадбирларни учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш мақсадида учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш ва уларни тўловсиз учиришни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги мақсадида учувчисиз учиш аппаратларини (дронлар) ишлаб чиқарувчи корхоналардан тендерсиз тўғридан-тўғри харид қилиш.

7. Кадастр агентлиги тизимидаги Республика аэрогеодезия марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудлараро бўлинмалари ташкил этилсин.

* 1 — ба-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Республика аэрогеодезия марказига ер тузишга оид комплекс тадбирларни бажаришга йўналтирилган лойиҳа-қидирув ва тадқиқот ишларини бажариш, ерларни хатловдан ўтказиш, давлат ер кадастрини юритиш учун зарур маълумотларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифа ва функциялар юклатилсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда Солиқ кодексига қўйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтмасдан ердан фойдаланишни ердан ноқонуний фойдаланиш деб ҳисоблаш ҳамда унга нисбатан ер солиғи ставкасини 10 баравар миқдорида қўллаш;

ер участкалари ўзбошимчалик билан эгалланган ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқроқ ҳажмда фойдаланилганда, шунингдек, ер участкасидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, ер солиғининг белгиланган ставкаларини 20 баравар миқдорида ундириш.

10. Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров) 2021 йил 1 июлга қадар:

ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш мониторингини юритиш бўйича «E-YER NAZORAT» автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда — «E-YER NAZORAT» тизими) яратсин;

ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни «E-YER NAZORAT» тизимига киритиб бориш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмалари, судлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимига интеграция қилсин;

«E-YER NAZORAT» тизимининг самарали ишлашини таъминлаш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатларини аниқлашда жамоатчилик назорати, назоратчи инспекторлар ва ер тузувчиларни рағбатлантириш шунингдек, ноқонуний ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар изчил назорат олиб бориш механизмларини назарда тутган ҳолда Давлат ер ва кадастр назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Кудбиев):

бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги ерларини тўлиқ хатловдан ўтказиш орқали уларнинг электрон хариталарини яратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) билан биргаликда уч ой муддатда Жиноят кодексига ер участкаларини, шу жумладан, муҳофаза этиладиган зоналар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўзбошимчалик билан

эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик ҳолатлари бўйича жиний жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев), Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров) бир ой муддатда «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти ҳамда Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятига алоқадор идоравий сақлов муддати тугаган геодезик ва картографик материалларни Давлат картография-геодезия фондига давлат сақловига топшириш, амалда фойдаланишдаги барча ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тегишлилиги бўйича ўзаро алмашишни таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев):

уч ой муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни мониторинг ва муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

«Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти фаолияти самарали йўлга қўйилишини таъминласин.

14. Қўйидагилар:

а) Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига:

2021 йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги ерларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон хариталарини яратиш;

«E-YER NAZORAT» автоматлаштирилган ахборот тизимини ишга тушириш ҳамда тегишли вазирлик ва идораларни мазкур тизимга интеграция қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига:

«Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти, Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва ҳудудий ер тузувчилар фаолиятини ташкил этиш учун зарурий воситалар билан таъминлашга халқаро грант маблағларини ўрнатилган тартибда жалб қилиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланиш ва экинлар ҳолатини назорат қилишни рақамлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш;

в) қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари М.И. Рузметов зиммасига:

ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш ишларини самарали ташкил этиш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларини амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият ва жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 февраль,
ПҚ-5006-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**80 Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривож-
лантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжаллан-
ган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида 2021 йилда:

1) озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўналишида:

а) шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотидан келиб чиқиб, республиканинг барча туманларининг худудлари муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштирилади. Бунда:

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда асосий эътибор унинг ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиштирилишига қаратилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 февралда эълон қилинган.

кооперация ва кластер тизими асосида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва ички ҳамда ташқи бозорларга сотиш тизими йўлга қўйилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш учун камида битта туман ҳудудини органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирсин;

в) Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин. Бунда, жорий йилда пахта майдонларини 33,6 минг гектарга ва ғалла майдонларини 40 минг гектарга қисқартириш ҳамда 320 минг гектар ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобига озиқ-овқат ва озуқа экинлари майдонлари 193,6 минг гектарга кенгайтирилади;

г) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ҳудуд ихтисослигидан келиб чиқиб, туман ҳокимликлари захирасидаги яхлит ҳолда 300 гектаргача ер майдонларида плантация усулида интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ва етти йил муддатда тўлаш шарти билан аҳолига сотиш тизимини йўлга қўйсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари янги боғ ва токзорлар барпо этишга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, яроқсиз ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз деб топилган боғлар жойлашган ер майдонлари ажратишини таъминласин;

д) кооперация шартларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ёшларга фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари ижарага берилади, шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экин майдонлари иккиламчи ижарага берилади;

Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда:

ёшлар учун экин майдонлари, аввало, аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳудудларига яқин ерлардан танланишига, контурлар яхлитлиги сақланишига ҳамда ёшларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ўргатиш учун тажрибали агрономлар жалб қилинишига;

ерларни экишга тайёрлаш ва экинларга ишлов бериш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техника ва механизмлари, сув ҳамда иш қуроллари билан таъминлашга;

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашсин;

2) қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш йўналишида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра бир туманда учтагача пахта-тўқимачилик кластерларига фермер хўжаликлари билан шартно-

ма асосида фаолият юритишига ва фермер хўжаликларига ушбу кластерлар билан пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича ихтиёрий равишда фьючерс шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноати» уюшмаси, Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда агрокластерларни ташкил этиш, уларга ер майдонлари ажратиш, улар фаолиятининг асосий кафолатларини ва қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи тартиб ва таомилларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

3) ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўналишида:

а) ернинг бозор қийматини баҳолаш ҳамда кейинчалик ундан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш амалиёти тизимли йўлга қўйилади. Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги биринчи навбатда, боғ, ток ва иссиқхона жойлашадиган майдонларнинг бозор қийматини аниқлаш ва гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонларининг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин;

в) Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мавжуд сув инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни белгиласин. Бунда:

1 758 км канал, 443 км лоток, 329 та гидротехника иншоотлари, 1 899 км коллектор-дренаж, 728 км ёпиқ горизонтал ва вертикал дренаж, 1 896 та мелиоратив кузатув қудуқлари ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш;

5 026 км магистрал канал, 45 595 км мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, 518 та насос агрегатлари ҳамда 807 та электродвигателларни янгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланишни онлайн режимда назорат қилиш, гидрологик постларни рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозлаш, суғоришда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш назарда тутилади;

4) қишлоқ хўжалиги тармоғини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш йўналишида:

а) 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини харид қилиш учун ажратиладиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги миқдорларда компенсация тақдим этилади:

миллий валютада кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

хорижий валютада кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми;

кредит суммасининг 50 фоизигача миқдорида кафиллик тақдим этилади;

б) 2021 йил 31 декабрга қадар маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга сотиб олинган уруғ ва кўчатлар қийматининг 20 фоизигача Давлат бюджетидан қоплаб берилади;

в) лимон етиштириладиган иссиқхоналар барпо этишда муқобил энергия (табiiй газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш тизимини харид қилиш харажатларининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаш тартиби жорий этилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А. Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатлари қийматининг, шунингдек, лимон етиштириладиган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг талаблари асосида вируслардан холи, юқори ҳосилли сертификатланган уруғ ва кўчатларни етиштириш ва етказиб бериш тизимини самарали йўлга қўйсин;

д) 2021 йил 1 мартдан бошлаб «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ривожлантириш учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати 3 йилдан 7 йилгача, имтиёзли давр эса 1 йилдан 3 йилгача узайтирилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги мазкур кичик бандга асосан ажратиладиган кредитларни молиявий ресурслар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

б) илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш йўналишида:

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг таркибидаги илмий муассасаларнинг ер майдонларида тадбиркорлик субъектларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда сабзавот, полиз ва картошка, дуккакли, мойли экинлар, мевали ва ток кўчатлари етиштиришни ташкил этсин;

худудларда шаклланган деҳқончилик кўникмалари ва илғор тажриба-

лардан келиб чиқиб, маҳаллий сертификатланган юқори ҳосилли ва сифатли уруғчилик ҳамда кўчатчиликни кенг жорий этиш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари 2-иловага* мувофиқ туманларга бириктирилсин;

б) қишлоқ хўжалиги тармоғи статистикасининг шаффоф механизмини яратиш йўналишида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қўйидагиларни назарда тутувчи 2021 йилда соҳада ахборот технологияларини ривожлантириш чораларини кўрсин:

ердан фойдаланувчилар реестри бўйича 3 млн гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мониторингини йўлга қўйиш;

5 турдаги асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг (пахта, ғалла, шоли, картошка, мойли экин) экилишини космик суръатлар ёрдамида таҳлил қилиш;

«ArcGIS» дастури ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларининг асосий ва такрорий экин турлари, ҳосилдорлик даражасидан келиб чиқиб, интерфаол харитада кузатиш имкониятига эга ягона ахборот базасини шакллантириш ҳамда унинг миллий геоахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминлаш;

ер майдонлари ва тупроқ таркиби тўғрисидаги ахборотлар, экинларни жойлаштириш, мақбул агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича ва бошқа илмий-инновацион ютуқлар ва илғор тажрибаларни мунтазам тақдим этиш;

устувор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳақида бозор маълумотларини кенг оммага очик тақдим этиш;

ягона интеграцион платформани ахборот хизматлари билан бойитиш, жумладан кадастр, об-ҳаво маълумотлари, аризаларни электрон расмийлаштириш тизими, кредитлаш ва субсидиялаш, агрохизматлар, агроскоутинг хизмати, фитосанитария хизматлари, мониторинг хизматлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги жараёнларини кузатиш тизимини жорий этиш;

миллий геоахборот тизими билан интеграция қилиш, ер ва сув ресурслари бўйича узлуксиз маълумотлар алмашинувини таъминлаш.

2. Мева-сабзавотчилик кластерлари, фермер ва дехқон хўжаликлари ҳамда бошқа маҳсулот етиштирувчиларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ҳамда инвестицион жозибдорликни ошириш мақсадида тажриба-синов тариқасида 2021 йилнинг якунига қадар фаолият юритадиган мева-сабзавотчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш Республика кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) 3-иловага* мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб:

бир ойда камида бир марта жойлардаги мева-сабзавотчилик тармоғига оид муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ҳамда уларни бартараф этиш;

мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойларга ташрифи ва йиғилишларидаги топшириқлари ижросини таъминлаш;

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўрганишлар асосида аниқланган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш белгилансин.

Белгилансинки, Кенгашнинг ишчи органи функцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда экин турининг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитига мослиги, ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиштирилишини таъминлаш;

ҳар бир туманда сертификатланган уруғ ва кўчатларни етиштириш ҳамда етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш;

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда Organic, Global G.A.P. ва бошқа халқаро тан олинган стандартлар талабларига мувофиқ синов лабораторияларини ташкил этишга кўмаклашиш;

ҳудудларнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини ошириш, илғор агротехнологиялар, инновацияларни жорий этиш;

тупроқни ҳимоя қилиш тизими, пестицид ва ўғитларни меъёрда ишлаштириш ва кимёвий воситаларнинг улар сифатини илмий асосланган ҳолда қўлланилишини назорат қилиш;

ҳудудларда сув хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш;

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораториялар, божхона терминаллари ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш чораларини кўриш.

4. Қуйидагилар:

ҳар бир туманни қишлоқ хўжалиги экинлари муайян турини етиштиришга ихтисослаштиришга — қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ж. Тешаев;

қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини ҳамда ерларни фойдаланишга киритишни мониторинг ва назорат қилишга — қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И. Рўзметов;

маҳсулот етиштирувчиларни уруғ ва кўчат билан таъминлашда илмий асосланган тавсияларни жорий этишга — қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари А.М. Тўраев;

қишлоқ хўжалигини барқарор сув ресурслари билан таъминлаш, сув хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этишга — сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимида қўшим-

ча механизмлар ва молиявий воситаларни жорий этишга — қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Ш. Мирзаев;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозори мониторингини юритиш тизимига ахборот технологияларини жорий қилишни кенгайтиришга — қишлоқ хўжалиги вазирининг ахборот технологиялари бўйича ўринбосари Қ.А. Юлдашев шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ганиев икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонлари бўйича вилоятлар ва ташаббускорлар кесимида манзилли рўйхатни тасдиқласин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) 2021 йил 1 августга қадар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда БМТнинг барқарор тараққиёт мақсадларида белгиланган Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мезонлар ва бошқа илғор тажрибалар асосида халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмоли бўйича дастурини;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Гидрометеорология хизмати, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгариши таъсирининг олдини олиш ва унга мослашиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

7. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ганиев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 февраль,
ПҚ-5009-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

81 «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1702-1*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 4 июлдаги 2007-44, 17-8/1985-сон «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1702, 2007 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 33-34-сон, 349-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 январь,
2021-06-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 февралда эълон қилинган.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 январь,
21/15-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 7 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**82 Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-
ни бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санк-
цияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1060-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 февралда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сон ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 26 июндаги 13-сон қарори (рўйхат рақами 1842, 2008 йил 15 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й, 34-сон, 337-модда) билан тасдиқланган Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2021 йил 20 январь,
2-сон

Т. ИШМЕТОВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2021 йил 18 январь,
2021-04-сон

Ш. КУДБИЕВ**Монополияга қарши курашиш
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2021 йил 11 январь,
05/11-05/01-сон

Н. ШАРИПОВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2021 йил 20 январдаги
2-сон, Ўзбекистон Республикаси Давлат
солиқ қўмитасининг 2021 йил 18 январдаги
2021-04-сон ва Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2021 йил 11 январдаги
05/11-05/01-сон қарорига
ИЛОВА

**Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини
бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги (бундан буён матнда Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 8-банднинг учинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «Давсуғуртаназоратни» деган сўз «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 13-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давсуғуртаназорат» деган сўз «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 17¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17¹. Суғурталовчи томонидан:

масъул шахсларнинг рўйхатини;

ўзининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича фаолияти тўғрисида ҳисоботни Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига тақдим этиш муддатларига риоя қилинмаган тақдирда, —

суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади.»

6. VII²-бобнинг номидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 17²-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 18-бандда:

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги камчиликлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида камчиликлар тавсифи ва жарима санкциялари миқдорини кўрсатган ҳолда тегишли хулоса тайёрлаб мазкур Низомда кўрсатиб ўтилган жарима санкцияларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади»;

учинчи хатбошидаги «Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 19-банддаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 20-банддаги «Молия вазирлигига» деган сўзлар «Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

83 «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2617-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 июндаги 183-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида авиация хавфсизлиги кўздан кечирувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор «Uzbekistan Airways» АЖ билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 февралда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Транспорт вазири в. б.

И. МАХКАМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 февраль,
3-сон

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

А. АЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 февраль,
27-сон

Келишилди:

**«Uzbekistan Airways» АЖ
бошқарув раиси в. б.**

Б. ХАКИМОВ

2021 йил 27 январь

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ва Давлат хавфсизлик
хизматининг 2021 йил 3 февралдаги
3 ва 27-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 27 августдаги 33 ва 87-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобил телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2617, 2014 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 495-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг 2016 йил 28 июлдаги 37 ва 65-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника,

компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қодаларининг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2617-1, 2016 йил 3 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 31-сон, 384-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 26 июндаги 43 ва 5-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қодаларининг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2617-2, 2018 йил 19 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.07.2018 й., 10/18/2617-2/1548-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

84 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3287*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 февралда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 24 февраль,
2-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги
2-мх-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг
коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупцияга қарши экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш, аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий омил — коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган ҳуқуқий нормалар;

чеклист — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома;

ишлаб чиқувчи — норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини (бундан буён матнда лойиҳа деб юритилади) ишлаб чиқишни амалга оширувчи давлат органи ва ташкилоти;

адлия органлари — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари.

2. Коррупцияга қарши экспертиза коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган омилларни аниқлаш, лойиҳани қабул қилишнинг коррупция ҳолатлари учун имконият яратадиган оқибатларини умумий тарзда баҳолаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига

эга таваккалчиликларнинг юзага келиш эҳтимолини прогноз қилиш, аниқланган коррупцияни юзага келтирувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўриш мақсадида амалга оширилади.

3. Қўйидагилар коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади:

қонунийлик — коррупцияга қарши экспертиза Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари, ушбу Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилиши;

тўлиқ қамраб олинганлик — барча лойиҳалар мажбурий тартибда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши;

очиклик ва шаффофлик — коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш жараёнларида жамоатчиликнинг иштироки таъминланиши;

холислик — коррупцияга қарши экспертиза холис ва беғараз, қатъий қонуний, назарий ва амалий асосда, тегишли мутахассислик доирасида, ҳар тарафлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказилиши;

мустақиллик — коррупцияга қарши экспертиза мустақил шахс томонидан ўтказилиши, манфаатдор шахслар фойдасига хулоса олиш мақсадида коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи шахсга таъсир ўтказишга йўл қўйилмаслиги;

асосланганлик — коррупцияга қарши экспертиза натижаларининг асосланганлиги, холислиги ва текширилиши имкони мавжудлиги;

коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг устуворлиги — коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, мажбурий равишда уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилиши ва чоралар кўрилиши.

4. Қўйидагилар коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш учун асосий ахборот манбалари ҳисобланади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

халқаро шартномалар;

суд амалиёти;

расмий статистик маълумотлар ва ҳисоботлар;

давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлари;

илмий-таҳлилий материаллар ва нашрлар, илмий-амалий семинарлар, конференциялар ҳамда йиғилишлар материаллари;

ваколатли ташкилотлар ва ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилган ижтимоий сўровларнинг натижалари;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларда эълон қилинган нашрлар;

коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш доирасида давлат органи ва ташкилоти томонидан ўтказилган ўрганишлар, шу жумладан, бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар.

5. Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ схема асосида ўтказилади.

6. Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари тизимли равишда тегишли соҳа фаолиятидаги:

лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасининг амалга оширилишини ташкил этади;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омиллари аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказиши.

2-боб. Коррупциявий омиллари

7. Коррупциявий омиллари ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ Методика (бундан буён матнда Методика деб юритилади) асосида аниқланади, бунда коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки лойиҳанинг ҳар бир нормаси ёхуд қонуннинг таҳлили амалга оширилади.

8. Қўйидагилар нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллари ҳисобланади:

сўзларнинг нотўғри қўлланилиши;

ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги.

9. Қўйидагилар ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллари ҳисобланади:

дискрецион ваколатларнинг кенглиги;

аниқ белгиланмаган ваколатлар;

давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги;

давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши;

вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;

кечиктириб тартибга солиш;

манфаатлар тўқнашуви;

афзалликларнинг асоссиз белгиланиши;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш;

ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар.

10. Қўйидагилар маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллари ҳисобланади:

маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги;

белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши;

ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги;

вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги;

тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

санкцияларнинг номутаносиблиги;
чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги.

11. Қўйидагилар назорат билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар ҳисобланади:

шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги;
шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар;
давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги.

3-боб. Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

12. Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи ва лойиҳа ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун келиб тушганда адлия органлари томонидан ўтказилади.

Коррупцияга қарши экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи, шунингдек, лойиҳалар келишилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

13. Лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи томонидан ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги чеклистни Методика асосида тўлдириш орқали ўтказилади.

14. Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳада коррупциявий омил аниқланган тақдирда, қўйидаги ҳаракатларнинг бири амалга оширилади:

аниқланган коррупциявий омилни бартараф этиш чораларини кўриш;
чеклистнинг «коррупциявий омил» устунининг тегишли қисмига «бор» белгисини қўйиш, коррупциявий омилни ўз ичига олган ҳуқуқий нормани кўрсатиш, ушбу нормани бошқача тарзда баён этиш имкони йўқлигини асослантириб бериш ва мазкур коррупциявий омил мавжудлиги сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарларни жиловлаш бўйича кўрилган чораларни баён этиш.

15. Ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳада коррупциявий омил аниқланмаган тақдирда чеклистнинг «коррупциявий омил» устуни тегишли қисмига «йўқ» белгиси қўйилади.

16. Чеклист ишлаб чиқувчининг биринчи раҳбари (истисно ҳолларда — уларнинг биринчи ўринбосарлари) имзоси билан расмийлаштирилади.

17. Коррупцияга қарши экспертиза ўтказиш натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳанинг жамоатчилик муҳокамаси, идоралараро келишув, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш босқичларида лойиҳага илова қилинади.

18. Жамоатчилик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)да жойлаштирилган лойиҳаларни чеклист тўлдириш орқали коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан баҳолаши мумкин.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

19. Жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича билдирилган таклифлар ва эътирозлар ишлаб чиқувчи томонидан кўриб чиқилади, шунингдек, адлия органларига (ҳуқуқий экспертиза учун) киритилади, бунда жамоатчиликдан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир.

20. Ишлаб чиқувчи томонидан жамоатчилик муҳокамаси ва идораларро келишиш ўтказилгандан сўнг қайта ишланган лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материаллар тегишли адлия органига ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун тақдим этилади.

21. Адлия органлари ишлаб чиқувчи томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини Методика асосида ўтказди.

22. Адлия органининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаси ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши натижалари бўйича тайёрланадиган хулосада алоҳида акс эттирилади.

Лойиҳада коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, хулосада уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ва чоралар кўрсатилади.

23. Ўтказилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича эътирозлар мажбурий тусга эга ва лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун такроран киритилганда бартараф қилиниши шарт.

24. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни ўз ичига олган нормалар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қондаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказишни рад этади.

4-боб. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби

25. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Методика асосида давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда адлия органлари томонидан ўтказилади.

26. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ-4505-сон «Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторинги доирасида ўтказилади.

27. Адлия органлари ўз ташаббусига кўра, шунингдек, қуйидаги асосларга биноан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари;

адлия органлари иш режалари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

жамоатчилик назорати субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари; оммавий ахборот воситаларидан келиб тушган нашрлар ва бошқа материалларни ўрганиш натижалари;

ўрганишлар, шу жумладан бевосита жойига чиққан ҳолда ўтказилган ўрганишлар жараёнида олинган (аниқланган) маълумотлар.

28. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда адлия органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш ёки коррупция хавф-хатарларини жиловлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиладиган ва чоралар кўриладиган.

29. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги туғрисидаги низомнинг 12-банди 5-кичик бандига мувофиқ давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.

5-боб. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи адлия органи ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

30. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказадиган адлия органи ходимининг асосий ҳуқуқлари:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда коррупцияга қарши экспертиза ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларнинг предметига тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан танишиш;

коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан сўраб олиш.

31. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказувчи адлия органи ходимининг асосий мажбуриятлари:

коррупцияга қарши экспертизани ташкиллаштириш ва ўтказишнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларига риоя қилиш;

ўзини ўзи рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда ўзининг раҳбарига дарҳол маълум қилиш;

тақдим этилган ҳужжатларнинг бут сақланишини таъминлаш.

6-боб. Яқуний қоидалар

32. Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш жараёнига мустақил экспертлар ва тор доира йўналишларидаги мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

33. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

34. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

**Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори**

А. БУРХАНОВ

2021 йил 22 февраль

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги
2-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2745, 2015 йил 25 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 51-сон, 644-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 307-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2745-1, 2018 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 467-модда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**85** Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ–6065-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 3-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3114, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/18/3114/2423-сон) билан тасдиқланган Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 27 февраль,
3-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 27 февралдаги
3-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига
тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан
шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимчалар ва ўзгартириш**

1. 7-банднинг учинчи хатбошиси «паспорти» деган сўздан кейин «(идентификация ID-картаси)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 24-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«24. Сухбат саволлари куйидаги соҳалар бўйича тузилади:
давлат ва жамият қурилиши ҳамда коррупцияга қарши курашиш;
фуқаролик ҳуқуқи;
нотариат.

Саволлар комиссия раиси томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда даврий равишда қайта кўриб чиқилади.»

3. Қуйидаги мазмундаги 26¹-банд билан тўлдирилсин:

«26¹. Саволлар талабгор томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус электрон дастур орқали тасодифий равишда танланади.

Талабгор томонидан тасодифий равишда танланган саволлар комиссия масъул котиби томонидан принтерда чоп этилади ва талабгорга тақдим қилинади.»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 18 январдаги 2021-06-сон, 2021 йил 13 январдаги 21/15-сон «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1702-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Монополияга қарши курашиш кўмитасининг 2021 йил 20 январдаги 2-сон, 2021 йил 18 январдаги 2021-04-сон, 2021 йил 11 январдаги 05/11-05/01-сон «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-6.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2021 йил 3 февралдаги 3, 27-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2021 йил 23 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2617-3.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги 2-мҳ-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3287.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 27 февралдаги 3-мх-сон «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари учун йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1702, 2007 йил 13 август).

2021 йил 22 февралда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясида радио, телеаппаратура, аудио ва видео техника, компьютер, планшет ва мобиль телефонларни авиация хавфсизлиги бўйича текшириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2617, 2014 йил 24 сентябрь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2617-1, 2016 йил 3 август), (рўйхат рақами 2617-2, 2018 йил 19 июль).

2021 йил 23 февралда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2745, 2015 йил 25 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2745-1, 2018 йил 1 июнь).

2021 йил 24 февралда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

